



БЎРОНОВА МЕККАМТОШ ХОЛИҚУЛОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРИКМАЛАР

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК
БИРИКМАЛАРНИНГ КОНТЕКСТУАЛ МАЪНО
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ

**Kitob quyidagi ko'rsatilgan
muddatda topshirilishi shart**

**Oldingi foydalanishlar
miqdori**

--	--

БЎРОНОВА МЕККАМТОШ ХОЛИҚУЛОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ
ФРАЗЕОЛОГИКБИРИКМАЛАР**

БЎРОНОВА МЕККАМТОШ ХОЛИҚУЛОВНА

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК
ТИЛЛАРИДАГИ
ФРАЗЕОЛОГИКБИРИКМАЛАР**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ
ФРАЗЕОЛОГИК БИРИКМАЛАРНИНГ
КОНТЕКСТУАЛ МАЪНО ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ**

Imprint

Any brand names and product names mentioned in this book are subject to trademark, brand or patent protection and are trademarks or registered trademarks of their respective holders. The use of brand names, product names, common names, trade names, product descriptions etc. even without a particular marking in this work is in no way to be construed to mean that such names may be regarded as unrestricted in respect of trademark and brand protection legislation and could thus be used by anyone.

Cover image: www.ingimage.com

Publisher:

GlobeEdit

is a trademark of

Dodo Books Indian Ocean Ltd. and OmniScriptum S.R.L publishing group

120 High Road, East Finchley, London, N2 9ED, United Kingdom

Str. Armeneasca 28/1, office 1, Chisinau MD-2012, Republic of Moldova, Europe

Managing Directors: Ieva Konstantinova, Victoria Ursu

info@omniscryptum.com

Printed at: see last page

ISBN: 978-620-9-54461-3

Copyright © БЎРОНОВА МЕККАМТОШ ХОЛИҚУЛОВНА

Copyright © 2026 Dodo Books Indian Ocean Ltd. and OmniScriptum S.R.L publishing group

БЎРОНОВА МЕККАМТОШ ХОЛИҚУЛОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК
БИРИКМАЛАР

(ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК
БИРИКМАЛАРНИНГ КОНТЕКСТУАЛ МАЪНО
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ)

МОНОГРАФИЯ

DENOV TADBIRKORLIK
VA PEDAGOGIKA
INSTITUTI ARM
№ 32037

Бўронова Меккамтош Холиқуловна. *Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирикмалар. Монография* - Молдова Республикаси, Кишинёв шаҳри. 2026-й. 95-бет.

Тилшунослиқда “фразеология” атамаси асосида икки ва ундан ортиқ мустақил сўзларнинг маъно жиҳатидан мустаҳкам бирикниши орқали ҳосил бўлган бирикмалар (иборалар) тушунилади. Бу бирикмалар юзлаб йиллар мобайнида халқ тилида шаклланган бўлиб уларни ажратиб алоҳида олинган ҳолатдаги маъноси фразеологик бирикма ифодалаган маънога мос келмайди. Масалан, ўзбек тилидаги “тарвузи қўлтиғидан тушмоқ” ибораси фразеологик нуқтаи назардан “хафсаласи пир бўлмоқ” маъносини англатган ҳолда “тарвуз”, “қўлтиқ”, “тушмоқ” сўзлари алоҳида олинганда бутунлай бошқа маънони англатади. Инглиз тилидаги “вафот этмоқ”, “бандалиқни бажо келгирмоқ” маъносини англатувчи “to kick the bucket” ёки рус тилидаги “таваккал қилмоқ” маъносини англатувчи “купить ко́та в мешке” иборалари ҳақида ҳам ана шундай фикрни билдириш мумкин. Фразеологик бирикмалар тилда кенг тарқалган бўлиб уни адабиётнинг турли жанрларида учратиш мумкин.

Тақризчилар:

- Тожикистон Республикаси Академик Бобожон Ғофуров номидаги Хўжанд давлат университети Ўзбек филологияси факултети доценти, филология фанлари номзоди - **Б.Б.Файзуллоев**
- Мирзо Улугбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети Хорижий тиллар кафедраси мудири, доцент - **М.Э.Кенжаев**
- Юлдуз газетаси бош муҳаррири - **Д.Д.Абдурахмонов**

Молдова - 2026 й
Глобе Эдит наشريети

Аннотация

Ушбу илмий иш инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирикмаларнинг контекстуал маъно хусусиятлари ҳамда уларни таржима қилиш масалаларига бағишланган. Тадқиқотда фразеологик бирикмаларнинг нутқ жараёнидаги функционал қўлланилиши, контекст таъсирида маъно ўзгариши ва услубий хусусиятларининг шаклланиши атрофлича ўрганилади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг семантик, структур ва миллий-маданий жиҳатлари қиёсий таҳлил асосида очиб берилган.

Илмий ишда фразеологик бирикмаларни таржима қилишда юзага келадиган асосий муаммолар, жумладан, эквивалент ва муқобил фразеологизмларни топиш, тасвирийликни сақлаб қолиш, контекстга мос таржима усулларини қўллаш масалалари ёритилган. Тадқиқот натижалари фразеологик бирикмаларнинг маъносини тўғри англаш ва адекват таржима қилишда контекстнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Мазкур илмий иш материаллари қиёсий тилшунослик, таржимашунослик ҳамда фразеология соҳаларида фойдаланиш учун тавсия этилади.

Мундарижа

Кириш.....	5
I-боб. Фразеологик турғун бирикмаларнинг тил лексик қатламида тугган ўрни.	
1.1 Фразеология тилшуносликнинг мустакил тармоғи сифатида.....	11
1.2 Фраземаларнинг асосий хусусиятлари.....	17
1.3 Тил луғат таркибида рўй берадиган семантик жараёнлар.....	31
II- боб. Фразеологик турғун бирикмаларнинг структурал ва семантик таҳлили.	
2.1 Фразеологик турғун бирикмаларнинг структурал-семантик гуруҳлари.....	38
2.2 Фразеологик турғун бирикмаларнинг структурал таҳлили.....	45
2.3 Ономастик компонентли фразеологик бирикмаларнинг семантик таҳлили.....	50
III- боб. Фразеологик бирикмаларда ифодаланган контекстуал лексик маъно турлари.	
3.1 Лексик маънонинг ривожланиши (кенгайиши).....	54
3.2 Контекстуал синонимия ва унинг хусусиятлари.....	61
3.3 Таржимада услубий–миллий хослик ва миллий колоритни ифодалаш масалалари.....	71
Умумий хулосалар.....	86
Фойдаланилган илмий адабиётлар рўйхати.....	90

Кириш

Мамлакатимизда олиб борилаётган доно тил сиёсати, миллий тилимизга давлат тили мақомининг берилиши, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурининг қабул қилиниши, ўзбек тили билан бир қаторда рус, инглиз, немис, испан каби европа тиллари, шунингдек, араб, форс, япон, хитой, корейс тили каби шарқ тилларини амалий ўрганишга замин яратдики, бу нарса тилшуносликнинг назарий асосларини ҳам ривожланишига, тилшунослик, таржимашунослик ва тил ўқитиш соҳасидаги тадқиқотларнинг жадаллаштирилишига, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва тўла амалга оширишга ва таълим тизимини замон талаблари асосида янада мукаммаллаштириш, шу жумладан, тил ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш учун муҳим омил сифатида хизмат қилади. Мамлакатимиз президентининг 2023 йил 10 декабрда қабул қилган қарори бу борадаги давлат сиёсатини амалга оширишда дастурул амал бўлиб хизмат қилмоқда. Республикаимизнинг тилшунослик соҳасидаги етакчи мутахассисларидан Ж. Бўронов, Ў. Юсупов, Д. У. Ашурова, А. И. Болотов, А.А.Абдуазизов, М.И. Расулова, Рахимов С.Р., Хошимов Ғ.М., О. М. Мўминов, А.М. Қўлдошев, Глазирин С.А., Ж. Жалолов, Саттаров Т. Қ., Маҳкамова Г.Т. кабиларнинг республикаимиз инглиз тилшунослиги ва инглиз тилини ўқитиш услубиёти фанига қўшган хиссалари диққатга сазовордир.

Ушбу илмий иш “Инглиз ва ўзбек тиларидаги фразеологик бирикмаларнинг контекстуал маъно хусусиятлари ва таржима масалалари”га бағишланган бўлиб, унда халқ тилида узоқ йиллар давомида турғун бирикма шаклида ҳосил бўлган ва жонли тилда кенг тарқалган фразеологик бирикмаларнинг турли контекстда ифодаланган маъно турлари ва уларни бир тилдан иккинчи тилга ўгирилганда таржимон дуч келадиган масалаларни таҳлил қилишга бағишланган.

Фразеологизмларни ўрганиш ҳар донм ҳам лексикология фанининг кизиқарли ва баҳс-мунозараларга бой бўлган мавзулардан бўлиб келган ва ушбу мавзуга биз ҳам ўзимизнинг фикрларимиз билан қўшилишни жоиз деб билдик.

Жуда кўп ўзбек, рус, туркман, қорақалпоқ, эстон, инглиз олимлари, жумладан, Ш. Рахматуллаев, А. В. Кунин, О. Назаров, А. Исаев, О. Вакк сингари таникли лексиколог олимлар ўзларининг илмий ишларида фразеологизмларни структуравий ва семантик жиҳатларини алоҳида эътибор билан ўрганиб, ўзларининг қилган илмий тадқиқотлари билан нафақат лексикология фанининг, балки умуман, тилшунослик фанининг ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Бизнинг ушбу диссертациямизга юқорида санаб ўтилган олимларнинг илмий ишлари асос қилиб олинган ва биз ушбу олимларнинг фикрларини давом эттириб, уларнинг фикр мулоҳазаларини инглиз ва ўзбек тиллари материалида кенгайтиришга ҳаракат қиламиз.

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ушбу илмий иш мавзусининг асосланиши шундан иборатки, XX асрнинг 90-йилларигача инглиз ва ўзбек тилларини бир-бирига қиёслаб қилинган ишларнинг сони нисбатан жуда кам эди, 1991 йилда Ўзбекистон мустақил давлатга айлангандан сўнг, ушбу тилларни бир-бири билан қиёслаб ўрганиш ва бу тиллардаги бир-бирига ўхшашлик ва тафовутларни умумлаштиришдир. Барча фанлар сингари тилшунослик, шу жумладан лексикологияда ҳам инглиз ва ўзбек тилларини бир-бирига қиёслаб ўрганиш муҳим аҳамият касб эта бошлади. Бунинг сабабларидан бири, шубҳасиз, инглиз тилини рус тили воситасида эмас, балки тўғридан-тўғри ўзбек тили орқали ўрганиш, ушбу тиллардаги матнларни тўғридан-тўғри таржима қилиш зарурати пайдо бўлди.

Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, биз таҳлил қилмоқчи бўлган фразеологизмлар ҳам тилда жуда кенг-тарқалган бўлиб, уларни структуравий ва семантик жиҳатдан таҳлил қилишда юқорида келтирилган

олимларнинг ишларига таянамиз. Бундан ташқари, биз инглиз ва ўзбек тилидаги бадиий адабиётларда мураккаб компонентли фразеологизмларни кўплаб учрашига гувоҳ бўламиз ва улар турли контекстларда турлича тузилишга эга бўлиб, турлича маънони ифодалайди ва уларни инглиз тилидан ўзбек тилига ўгиришда ҳар донм инглиз тилидаги фразеологизмлар ўзбек тилидаги фразеологизмларга тўлиқ мос келавермайди ва шу сабабли ҳам ушбу мавзудаги диссертация ҳозирги пайтдаги долзарб муаммолардан бири деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот объекти фразеологик бирикмаларнинг структуравий ва семантик хусусиятларидир ҳамда шу материал асосида яратилган таржима асарларидир.

Тадқиқот предмети инглиз ва ўзбек тилларидаги мураккаб компонентли фразеологизмларнинг структуравий ва семантик жиҳатдан таҳлил қилиб, уларнинг орасидаги ўхшашлик ва фарқ қилувчи хусусиятларни очиб беришдан иборатдир.

Тадқиқот мақсади инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирикмаларни аниқлаш ва уларни структурал-семантик таҳлил қилиш, шунингдек, фразеологик бирикмаларнинг ўзбек тилига таржима қилиш масалаларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот вазифаси. Ушбу мақсадимиздан қуйидаги вазифалар келиб чиқади:

- фразеологик бирикмаларнинг туб моҳиятини очиб бериш;
- фразеологик бирикмаларнинг контекстуал маъноларини эътиборга олган ҳолда уларнинг турларини таҳлил қилиш;
- Инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирикмаларнинг структурал-семантик турларини таҳлил қилиш;
- Инглиз тилидаги фразеологизмларни қиёсий таҳлил қилиш ва уларни таржима қилиш жараёнида туғиладиган қийинчиликларни бартараф қилиш йўллариини излаш;
- Ҳар икки тилдаги таржима қилинган вариантларни ўзаро қиёслаш

ва таржима учун мақбул усуллари борасидаги назарий, амалий билим ва таржибаларни умумлаштириш, қиёсий тадқиқ этиш орқали янги илмий хулосалар чиқариш таржимонлик маҳоратини ривожлантиришдир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот натижасида олинган хулосаларнинг янгилиги шундан иборатки, ушбу тадқиқотда инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологизмлар биринчи марта структуравий ва семантик жиҳатдан қиёсланган ҳолда таҳлил қилиниб уларни таржима қилиш муаммоларига ижодий ёндошиш йўлга қўйилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Мазкур магистрлик диссертацияси инглиз ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирикмаларнинг контекстуал маъно хусусиятларини қиёсий кесимда тадқиқ қилиш ва уларни таржима қилиш масаласини таҳлил қилишга бағишланган. Маълумки, ушбу мавзу бўйича анчагина илмий изланишлар олиб борилган, аммо фразеологик бирикмаларнинг контекстуал маъно хусусиятлари, уларнинг структурасидаги элементларнинг ўзаро муносабатлари ва таржима масалалари ўз эчимини кутаётган мавзулардан эканлиги уни янада чуқурроқ кўриб чиқишни тақозо этади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Ушбу тадқиқот ишини тайёрлашда *тил материали* сифатида инглиз ва ўзбек адаблари асарлари, назарий материал сифатида эса Ш. Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати», Ўзбек тилининг изоҳли луғати, А.В.Куниининг «Англо-русский фразеологический словарь», профессор И. Р. Гальперин раҳбарлигида тайёрланган «Большой англо-русский словарь», «Longman Dictionary of English Language and Culture» ҳамда «Oxford Wordpower Dictionary for learners of English» луғатларидан фойдаланилди. Унда келтирилган мисоллар юқорида номлари зикр этилган луғатлардан ва бадиий адабиётлардан олинди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Фундаментал тадқиқотлар, умумий тилшунослик ва қиёсий типология, хусусан Бодуэн де Куртенэ, Б.А. Серебренников, Н. Хомский В.Гумбольдт,

И.Мешчанинов, Н.Амосова, В.Маслова, А.Ҳожиев, А.Абдуазизов, Д.Ашурова, Ў.Юсупов, Ш.Сафаров, Н.Турниёзов, Ж. Бўронов, Ғ.М. Хошимов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари, туркийшунос олимларнинг илмий ишлари мазкур тадқиқот учун назарий асос бўлди, ушбу диссертацияни тайёрлашда муҳим роль ўйнади ва уларнинг соҳа бўйича яратган монографиялари ва диссертациялари тадқиқотнинг методологик асосини ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу диссертациянинг назарий аҳамияти шундан иборатки, ушбу диссертацияда келтирилган хулоса ва тавсиялар лексикология фанидан олиб бориладиган фразеологизмларнинг структуравий ва семантик тузилишига бағишланган назарий ва амалий дарсларда унумли фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишнмизнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, биз инглиз ва ўзбек тилларида бадиий адабиётларда учрайдиган мураккаб компонентли фразеологизмларни ўзбек тилига таржима қилишда, шунингдек, лексикография, яъни луғатшунослик борасида луғат тузиш жараёнида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, таржима назарияси, матн таҳлили, лексикология фанларидан олиб бориладиган амалий машғулотларда мисоллар сифатида, вазифа ва тестлар сифатида ҳам қўлланиши мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Илмий иш таркибан кириш, уч бобдан иборат асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат.

Ушбу илмий ишнинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, илмий ишнинг мақсад ва вазифалари, назарий янгилиги, амалий аҳамияти, илмий объектлари ва ишнинг структураси ҳақида маълумот берилади.

«Фразеологик тургун бирикмаларнинг тил лексик қатламида тутган ўрни» деб номланган 1-бобда фразеология тилшуносликнинг

мустақил тармоғи сифатидаги ўрни, ҳозирги замон лексикологиясида сўзнинг иккиламчи номинацияси масалалари, турғун фразеологик бирикларнинг тил лексик составида тутган ўрни ва тил тизимида бажарадиган вазибалари, шунингдек, фраземаларнинг асосий хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Тадқиқотнинг 2 - боби “Фразеологик турғун бирикмаларнинг структурал ва семантик таҳлили” деб номланган. Унда фразеологик турғун бирикмаларнинг структурал-семантик гуруҳлари, тил луғат таркибида рўй берадиган семантик жараёнлар, фразеологик турғун бирикмаларнинг таркибий (структурал) таҳлили, фразеологик бирикмаларнинг семантик таҳлили каби масалалар юзасидан мулоҳаза юритилади.

“Фразеологик бирикмаларда ифодаланган контекстуал лексик маъно турлари” деб номланган 3 - бобда фразеологик бирикмаларда мужассам бўлган контекстуал лексик маъно турлари, хусусан, лексик синонимия, фразеологик синонимия, семантик компонентлар (сема) каби масалаларни ёритиш мақсад қилиб қўйилган.

Хулоса қисми тадқиқот натижасида ҳосил бўлган хулоса ва тавсияларни ўз ичига олган. Улар инглиз тили ўқитувчилари, таржимонлар учун амалий аҳамият касб этади, деган умиддамиз.

Фойдаланилган илмий ва бадий асарлар рўйхати мавзуга алоқадор бўлган 60 дан ортиқ манбани ўз ичига олган.

1-боб. Фразеологик турғун бирикмаларнинг тил лексик қатламида тутган ўрни.

1.1 Фразеология тилшуносликнинг мустақил тармоғи сифатида.

Тилшуносликда “фразеология” атамаси асосида икки ва undan ортик мустақил сўзларнинг маъно жихатидан муштақкам бирикиши орқали ҳосил бўлган бирикмалар (иборалар) тушунилади [33.210]. Бу бирикмалар юзлаб йиллар мобайнида халқ тилида шаклланган бўлиб уларни ажратиб алоҳида олинган ҳолатдаги маъноси фразеологик бирикма ифодалаган маънога мос келмайди. Масалан, ўзбек тилидаги “тарвузи қўлтигидан тушмоқ” ибораси фразеологик нуқтаи назардан “хафсаласи пир бўлмоқ” маъносини англатган ҳолда “тарвуз”, “қўлтик”, “тушмоқ” сўзлари алоҳида олинганда бутунлай бошқа маънони англатади. Инглиз тилидаги “вафот этмоқ”, “бандаликни бажо келтирмоқ” маъносини англатувчи „to kick the bucket“ ёки рус тилидаги “таваккал қилмоқ” маъносини англатувчи «купить ко́та в мешке» иборалари ҳақида ҳам ана шундай фикрни билдириш мумкин. Фразеологик бирикмалар тилда кенг тарқалган бўлиб уни адабиётнинг турли жанрларида учратиш мумкин.

Фразеология тилшуносликнинг, аниқроғи, лексикологиянинг мустақил бир тармоғи сифатида 20 аснинг 30 йилларида шаклланди. Бунга таникли француз тилшуноси Шарл Баллининг олиб борган тадқиқотлари асос бўлиб хизмат қилди. Бу ҳақда рус тилшуноси ва Ш. Балли асарлари тадқиқотчиси Р.А. Будагов ўзининг “Шарл Балли ва унинг умумий тилшунослик ва француз тилшунослиги бўйича олиб борган ишлари” деб номланган асарида анча кенг тадқиқот ишлари олиб борган [16.124]. Ш. Баллининг илгари сурган ғоялари ўтган асрнинг 40 йилларида рус тилшунослигига ва Европа тилшунослигига кириб борди. 1960 йилларнинг охирида бу ғоялар немис тилшунослигида ва инглиз тилшунослигида кенг тарқала бошлади. Бунда немис тилшуноси Вейнрейх ва рус тилшуноси И.В. Арнольдларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб

этади[41.96]. Рус тилшуноси А.В. Куниннинг таъбирича, фразеологик бирликлар ўз маъносини қисман ёки тўлалигича йўқотган компонентлардан ташкил топган бирикмалардир[55.65]. Уларни баъзан “фразема” деб ҳам атайдилар.

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида луғат бойлигига мансуб бирликлар ва грамматик қурилишга мансуб бирликлардан (булар товуш асосида гавдаланади) шулардан фойдаланиш қоидаларидан иборат. Луғат бойлигига мансуб бирлик луғавий бирлик, грамматик қурилишга мансуб бирлик эса грамматик бирлик дейилади.

Луғат бойлигида икки қатлам мавжуд: сўзлар қатлами ва шулар асосида таркиб топган иборалар, фразеологик характердаги (бирикмалар, фраземалар) қатлами.

Ҳар бир сўз маълум маъно англатади. Аммо бу маъно барча сўзларда бир хил эмас. Шу жиҳатдан сўзлар бир неча гуруҳга бўлинади. Сўзларнинг маъно турлари одатда, сўзлар туркумларига боғлаб белгиланади.

“Тил” сўзига тилшуносликда турлича маъно берилади. Кенг маънода тил деганда хотирада мавжуд ижтимоий бойлик ҳам, бу бойликдан фойдаланиш жараёни ҳам, шу жараён натижасида юзага келадиган матн ҳам тушунилади. Тил деганда асли хотирада сақланувчи ижтимоий бойлиги, матн ҳосил этиш учун хизмат қиладиган ҳодисаларни, шулардан фойдаланиш қоидаларини тушуниш гўғри бўлиб, бунда тил билан матн ўзаро чегараланади, тилга мансуб бирликларни тил бирлиги деб, матннинг ўзида тузиладиган бирликларни матн бирлиги деб фарқлаш мумкин[24.104].

Тил ижтимоий ҳодиса сифатида луғат бойлигига мансуб бирликлар ва грамматик қурилишга мансуб бирликлардан (булар товуш асосида гавдаланади) фойдаланиш қоидаларидан иборат. Луғат бойлигига мансуб бирлик луғавий бирлик, грамматик қурилишга мансуб бирлик эса грамматик бирлик дейилади.

Луғат бойлигида икки қатлам мавжуд: сўзлар қатлами ва шулар асосида таркиб топган иборалар, фразеологик характердаги (бирикмалар, фраземалар) қатлами.

Ҳар бир сўз маълум маъно англатади. Аммо бу маъно барча сўзларда бир хил эмас. Шу жиҳатдан сўзлар бир неча гуруҳга бўлинади. Сўзларнинг маъно турлари одатда, сўзлар туркумларига боғлаб белгиланади.

Сўзларнинг маъно турлари асосан қуйидагича:

1. Номловчи сўзлар. Бу маъно турига от (баъзи атоқли отлардан ташқари) феъл, сифат, равиш, сон киритилади. Булар нарсани, унинг характерини ва белгиларини номлайди.

2. Ифодаловчи сўзлар. Бу маъно турига ундов сўзлар, модал сўз ва юклама киритилади.

3. Кўрсатувчи сўзлар. Бу маъно турига боғловчи ва кўмакчи киритилади. Бошқа сўзларнинг грамматик маъноси йўқ: айримлари (ундов, модал сўз) бевосита ҳис-хаяжонни, сўзловчининг фикрга нисбатан муносабатни ифодалайди.

4. Сўзларнинг маъно турлари бўйича алоҳидалик олмошларда кўринади. Олмош мустақил туркумлардан бири деб қаралади-ю, аммо сўз ўзича луғавий маънога эга бўлмайди: у бундай маънони ўзи ишлатилган контекстда матн вазиятида олади. Буларни олмошловчи сўзлар деб юритамиз.

5. Атоқли отларнинг маълум турлари ҳам айримликка эга. Жумладан, киши, хайвон, парранда кабиларга бериладиган исмлар бирор маънони англатиш учун хизмат қилмайди. Фақат аташ вазифасини бажаради холос. Атоқли отларнинг маълум турлари лексик маъно англатмайди ва турдош отлардан шу жиҳати билан фарқ қилади. Бундай атоқли отларни атовчи сўзлар деб атаймиз.

Сўзларнинг юқоридаги маъно турларидан лексикологияда асосан номловчи сўзлар ўрганилади.

Маъно турлари жиҳатидан иборалар асосан икки хил:

1. Номловчи иборалар. Булар кўпчиликни ташкил қилади.
2. Ифодоловчи иборалар. Булар воқеликни эмас, балки муносабатни ифодалайди.

Сўз деганда лугат бойлигидаги ҳар бир бирлик назарда тутилади. Сўз лексик мазмун ёки грамматик мазмунга эга бирлик бўлиши мумкин. Шу асосда буларни лексик сўз ва грамматик сўз деб иккига гуруҳлаш лозимдек туюлади. Лексик мазмунли сўзларни лексема деб, грамматик мазмунли сўзларни эса (аффикслар қатори) морфема деб, аниқроғи морфема сўз деб юритамиз. Лексемага шундай таъриф ҳам берилади. Жамият аъзолари учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топган, воқеликдаги нарса, белги хусусият ва муносабатларни шакллантирувчи матн ва лугатда грамматик морфемаларни ўзига бириктира оладиган морфема тури лексемадир[34.97].

Демак, лексик бирлик деганда лексема кўзда тутилади, лексемаларни ўрганувчи соҳа лексикология дейилади (юнонча *lexikos* – “сўзга доир”, *logos* “таълимот”).

Лугат бойлигидаги иккинчи қатламни бирикмалар, ёхуд иборалар ташкил этади, булар фразеологик бириклар деб юритилади. Уларни “лексема” терминга мослаб “фразама” деб ҳам юритилади. Фраземаларни ўрганувчи соҳа фразеология дейилади.

Тил бирлиги ифода плани ва мазмун планига эга бўлади. Бунда мазмун плани ифода планига тил босқичида бириктирилган бўлади, тил хотирасида шаклланади, матнда ана шу ифода плани билан мазмун плани биргаликда, ўзаро бириктирилган ҳолда қалқиб юзага чиқади. Лексема ана шу талабларга жавоб беради, шунга тил бирлиги деб қаралади.

Лексемаларнинг ифода планини белгилашда аввал туб лексемалар, кейин ҳосила лексемалар талқин қилиниши лозим.

Туб лексемаларда ифода плани деб, уларнинг гавдаси бўлиб хизмат қиладиган фонемалар тизимига айтилади[32.41] (тизим қайси

фонемаларнинг қандай тартибда жойлашиб бир бутунлик ҳосил этишидир).

Туб лексеманинг ифода планига боғлиқ ҳодисалардан бири - уларнинг бўғин тузилишидир. Туб лексемалар асосан бир ва икки бўғинли бўлади. Бир бўғинли лексемаларнинг кўпи уч фонемали бўлиб, “ундош+унли+ундош” тизимига эга: ўзбек тилида *бош, қош, тур, юр* ва бошқалар, инглиз тилида: *cut, but, nut, rat, cat, cup* and etc. Икки фонема билан гавдаланувчи туб лексемаларнинг кўпи “унли+ундош” тизимига эга: ўзбек тилида: *иш, ош, от, уч* ва бошқалар. Инглиз тилида “ундош + унли” тизимига эга лексемалар санокли. М.: *No, he, by*.

Туб лексемаларнинг ифода планига боғлиқ ҳодисалардан яна бири – буларнинг бошланишида, ичида, охирида фонемаларнинг қандай жойлашувидир. Ўзбекча бир бўғинли туб лексемалар бошланишида икки ундош қатор келмайди, охирида икки ундошнинг қатор келиши ҳам жуда кам учрайдиган ҳодисадир. (Қатор келган ундошдан кейингиси кўпинча қўшилган қисм бўлиб чиқади): *ост, уст, олд, орт* каби.

Инглиз тилида эса икки унли туб лексема бошланишида ҳам, охирида ҳам қатор келиши кузатилади. М.: *Out, buy, oak, say*; икки ундош қатор охирида ҳам келиши мумкин: М.: *end, old, odd*.

Лексеманинг ифода планига боғлиқ ҳодисалардан бири – фонетик чўккидир (*pitch*). Матннинг фонетик бўлинишида энг кичик талаффуз бирлиги – бўғин. Матн бирлиги эмас, тил бирлиги бўлишидан катъий назар, лексема ҳам ўзбек тилида камида бир бўғинга худди шундай бирлашади. Масалан: *кўз, ост ва cat, out* лексемаларида уч фонема бир бўғинга бирлашади. Бўғин ҳосил қилиш унли фонемага хос бўлиб, ундошлар унлига қўшиб талаффуз қилинади, талаффуз чўккиси унли фонемада бўлади: *кўз, ост, cat, old*.

Ҳосил лексеманинг ифода плани деганда аввало, бундай лексема қайси тил бирликлари асосида ҳосил қилингани назарда тутилади. Ҳосила

лексемалар ясама, кўшма, жуфт, такрор лексемалар бўлиши мумкин[23.65].

Ясама лексеманинг ифода плани бўлиб лексема билан дериватив (лексема ясовчи морфема) келади. М.: *Ов + чи = ов-ла* каби инглиз тилида *play = play - er*: фонемалар эса ана шу яшаш асоси вазифасида келган лексеманинг ва ясовчи морфеманинг ифода плани бўлиб келади.

Ўзбекча кўшма лексемада унинг биринчи қисми сўз - шаклга, иккинчи қисми лексемага тенг бўлади, ифода плани деб дастлаб ана шулар ажратилади, кейинги плани сифатида фонемалар таъкидланади. Кейин ҳар бирининг ўз таркиби белгиланиб, охири туб қисмларнинг ифода плани сифатида фонемалар таъкидланади.

Жуфт лексема, такрор лексема, одатда икки сўз шаклдан тузилиб, яхлитлигича лексемага тенг бўлади.

1.2 Фраземаларнинг асосий хусусиятлари.

Тил бирлиги сифатида фраземанинг ҳам ифода плани ва мазмун плани ҳақида гапириш лозим.

Фразема мустақил сўз туркумларга мансуб икки ва ундан ортиқ лексема асосида таркиб топган луғавий бирлик бўлиб, асосан номинатив маъно англатади, шунга кўра, лексема билан бир қаторга қўйилади, лексемадан йирик номинатив бирлик деб юритилади. Масалан, *тарвузи қўлтигидан туиди* фраземасининг маъноси *хафа бўлди* лексемасининг маъносига, инглиз тилида эса *to be out of spirits* фраземасининг маъноси *хафа бўлмок* лексемасининг маъносига якин.

Фразема ўз тузилишига кўра бирикма ёки гапга тенг бўлади. Лексемаларнинг ўзаро синтактик боғланиши билан боғлама юзага келади. Бундай боғлама – матн бирлиги, чунки у маълум тушунча ёки фикрни англатиш талаби билан матн жараёнида тузилади; булар тил хотирасида яхлитлигича мавжуд бўлмайди, балки талабга кўра матнда шу тилнинг грамматик қурилишига хос колиплар асосида янгитдан тузилади[26.33]. Масалан, «тил теккизмок» ибораси *шаънига номуносиб, нохақ гап айтмок* маъносини англатади. Бу маъно тўғридан тўғри ибора таркибидаги лексема маъносидан келиб чиқмайди. Масалан, «*Батареяга тил текизсам, ҳеч ток йўқ экан*» гапида эркин бирикма ишлатилган. Бунда «тил» ва «теккизмок» лексемалари маъно мустақиллигини сақлаб қолади. «Менга ҳам тил теккизбди» гапи таркибида эса ибора қатнашмокда. Юқоридаги хусусиятлари асосида бундай матн бирлиги эркин боғланма деб юритилади. Инглиз тилида *cross the finger* ибораси ана шундай хусусиятга эга.

Фразема эркин боғланмадан ўз грамматик қурилиши билан фарқланмаса ҳам, грамматик қурилишнинг моҳияти билан фарқланади. Фразема ҳар гал матн жараёнининг ўзида ташкил топмай, балки унғача бир бутун ҳолда келган бўлади. Тил хотирасида яхлитлигича яшайди, матнга ҳам яхлитлигича киритилган бўлади. Масалан, «Нурматжон Адолатхонга

кўз тикди» гапи кўринишида 4 сўз шаклдан тузилган, ammo унинг таркибида 3 та луғавий бирлик катнашган: *Нурматжон, Адолатхон, кўз тикмок*. Биринчи ва иккинчи бирликлар лексема, учинчиси эса фразема.

Инглиз тилида: *Keep your fingers crossed, when I take an exam.*

Бу мисол ҳам кўринишида 8 та сўз шаклидан тузилган, аслида эса 6 та луғавий бирликдан ташкил топган. *Keep your fingers crossed* фраземаси ва 5 та лексема катнашган. Бундай тил бирлиги, матн бирлигига зид кўйилиб, турғун боғланма деб юритилади. “Турғун боғланма” атамасининг маъно мундарижаси жуда кенг. Бундай тил ҳодисаларини 2 га гуруҳлаш мумкин.

- 1) тўғри маъноли турғун боғланмалар;
- 2) кўчма маъноли турғун боғланмалар.

Турғун боғланмаларнинг бу икки тури ўз маъно табиатига кўра фаркланади. Масалан инглиз тилида: *black sheep, crocodile tears, sure as death.*

Лексик маъно билан тушунча ўзаро узвий боғлиқ, ammo лексик маъно – тил қурилишга хос ҳодиса, тушунча – тафаккурга хос ҳодисадир, буларнинг ҳар иккиси умумлаштириш, абстракция асосида туғилади. Лекин тушунча, фикрлаш қобилиятининг натижаси сифатида инсонга нисбатан белгиланса, лексик маънога хос умумлашиш ҳар бир тилнинг ўз доирасида воқе бўлади. Шунга кўра лексик маъно ҳар бир тил учун одатда хусусий бўлади. Айни бир тушунча икки тилда бошқа – бошқа лексемаларга ёки муқобил лексемаларга бириктирилган бўлади[30.58]. Айни шу тушунчани англатувчи маънолар ҳар бир тилда ҳар хил лексик системаларга бирлашади ва шунга кўра мавқеи ҳам турлича бўлади.

Масалага кенгрок ёндошсак, сўз билан тушунча орасидаги муносабат анчагина мураккаб эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бир томондан, ҳар бир сўз маълум маънони билдиради, ammo ҳар бир сўзнинг тушунча англатишини кутиш тўғри бўлмайди, чунки тушунча англатиш номловчи сўзларга хос хусусиятдир. Иккинчи томондан, бир сўз (лексема) икки ва ундан ортиқ тушунчанинг ифодаси бўлиб, хизмат қила олади: кўп маъноли

лексеманинг ҳар бир маъноси айрим-айрим тушунчани англатади. Масалан, кўз лексеманинг “кўриш аъсоси” маъноси бир тушунчани, “игнанинг ип ўтказиладиган тешиги” иккинчи тушунчани, “узукдаги қимматбаҳо тош” маъноси бошқа бир тушунчани англатади.

Термин (атама). Лексик маъно билан тушунча орасида тенглик термин лексемаларда бўлади. Термин лексема нотермин лексемадан ўз маъносининг аниқ таърифлар, чегаралаб, белгилаб қуйилганлиги билан фарқ қилади. Термин одатда ҳар вақт айни бир тушунчани англатади. Ҳар бир термин маълум бир соҳаники бўлади. Ammo шундай ҳоллар ҳам учрайдики, бир лексема, айни вақтда бир неча соҳанинг термини бўлиб хизмат қилади. Баъзан бир соҳанинг ўзи доирасида икки ҳар хил тушунча бир лексема билан англашилади[18.69].

Кўп маънолик нотермин лексемада табиий, хатто зарурий ҳолат деб қаралса, терминда ғайриқонуний, чалкашликка олиб келадиган, қийинчилик туғдирадиган ҳолат дейилади. Чунки одатда (нотермин) лексема ҳар гал биргина лексик маъноси билан ишлатилади. Кўп маъноли терминда эса унинг бир маъноси бошқасини истисно қилавермайди. Шунга кўра айни бир текстда ҳар хил мазмун дуч келиб қолади.

Бирор касб ёки соҳага доир тушунчани англатадиган луғавий мундарижаси аниқ таърифлаган, ишлатилиши маълум доира билан чекланган лексемага термин (атама) дейилади. Бирор касб ёки соҳа терминларнинг йиғиндиси шу касб ёки соҳа терминологияси дейилади. Тузилишига кўра терминлар содда ва составли деб аталадиган 2 га гуруҳланади: бир лексемага тенглари – содда, икки ва ундан ортиқ лексемадан тузилганлари – таркибли.

Лексик маъно идеал ҳодиса деб талкин қилинади. Ҳозирги тилшуносликда бу идеал ҳодисани моддийлаштириш йўллари топилаётир. Шундай йўллардан бири лексик маънони семантик қисмларга парчалаб ўрганиш бўлиб, қисмлаб таҳлил (семик таҳлил) усули деб юритилади. Шу усул билан фаркландиган ҳодиса сема дейилади.

Семик таҳлил усулидан дастлаб лексик бирликларни турлича семантик гуруҳлар (тематик, лексик-семантик гуруҳ)га бирлаштиришда фойдаланилади. Масалан, от туркумига мансуб лексемалар орасидан “кишининг хаёти ва фаолияти номлари” тематик гуруҳи ажратилади. Бундай лексемалар ушбу тематик гуруҳга киши, фаолият, хаёт семалари асосида бирлашади бу тематик гуруҳдан, ўз навбатида, бир канча кичикрок хажмли тематик гуруҳлар ажратилади. Ана шундай гуруҳлашда асос сифатида лексик маъно олинса, булар лексик-семантик гуруҳ деб юритилади[22.54]. Тематик гуруҳлар одатда от туркуми лексемалар бўйича белгиланса, лексик-семантик гуруҳлар бошқа туркум лексемалари бўйича ҳам белгиланади.

Тематик (лексик - семантик) гуруҳларни белгилашда фойдаланилган семик таҳлил усули кейинчалик лексик маъно таркибини таҳлил этишга ҳам тадбиқ этилади. Масалан: семик таҳлил усули билан «ака» «brother» лексемасининг лексик маъноси таркибида куйидагича семаларни ажратиш мумкин:

1) men	2) male	3) relative	4) adult
киши	эркак	туғишган	ёши катта

Лексик маъно таркибига мансуб бўлгани сабабли бундай сема идеографик сема деб юритилади. Лексик маъно таърифи идеографик семалар асосида тузилади.

Лексеманинг мазмун планида асосий ходиса - лексик маъно. Услубий баҳо шу лексик маънога суянади, лекин маънони куршаб туради. Услубий баҳо бир лексеманинг лексик маъноларига кўра ҳар хил бўлиши мумкин. Шу сабабли бир лексеманинг “жилва” маъносида ижобий, “қарашма” маъносида эса салбий услубий баҳо сезилади. Услубий баҳо, асосан 3 хил бўлади. 1) маълум морфема ёрдамида, 2) лексеманинг ўзи билан, 3) контекст ёрдамида ифодаланади.

Услубий баҳонинг морфема ёрдамида ифодаланиши морфологик ифодаланиш дейилади. Ўзбек тилида бундай вазифани – ча, гина, - чак, -

чок морфемалри (қушча, қизгина, келинчак, қўзичоқ каби) бажаради. Булар ижобий муносабат ифодалаш учун хизмат қилади.

Инглиз тилида эса – *ie, - y морфемалару (birdie, kiddy)* ана шундай вазифани бажаради.

Услубий баҳо лексеманинг ўзи билан ифодаланса, лексик ифодаланиш дейилади. Бунда услубий баҳо кўпинча лексемаларнинг ўзаро семантик муносабатидан келиб чиқади. Масалан, *юз, бет, афт, башара* лексемалари айни бир лексик маъно англатиши жиҳатидан бир хил, услубий баҳо ифодаланишига кўра эса фаркли. Услубий баҳоси энг бетараф лексема - *юз*.

Умуман, услубий баҳо кучая борган сари лексеманинг бошқа лексемалар билан боғланиши (контекст) хусусийлаша боради, торая боради. Масалан: инглиз тилида *skinny, lean, slim, thin, slender* лексемалари ҳам маъно жиҳатидан бир хил, услубий баҳо ифодаланишига кўра эса фаркланади[49.125-127]. *Thin* лексемаси эса бетараф.

Услубий баҳо асли бетараф баҳоли лексемани ўз ишлатилиш доирасидан бошқа бир доирага кўчириш туфайли ифодаласа, контекстда ифодаланиш дейилади. Масалан: *Thin* лексемаси одамга нисбатан, *lean* лексемаси эса хайвонга нисбатан ишлатилади. аммо *lean* лексемаси хайвондан одамга кўчириб ишлатилса, салбий услубий баҳога эга бўлиб қолади.

Контекстуал ифодаланишнинг бир тури деб услубий баҳонинг ситуатив ифодаланишини кўрсатиш мумкин. Бундай ифодаланишда ҳар сафар конкрет матн вазияти назарда тутилади. Масалан: *professor* лексемаси шундай унвони бор кишига ишлатилса, унда услубий баҳо бетараф бўлади. агар бу лексема тақлидчиға, сохта интилувчиға қарата мазах тарикасида айтилса, бу лексема салбий услубий баҳога эга бўлади:

Our professor is going to make a speech.

Лексик маънони коплаб турувчи услубий (эмоционал экспрессив) баҳо ҳам лексеманинг мазмун планига мансуб семантик қисм деб каралади ва услубий сема деб юритилади.

Лексеманинг мазмун планида, идеографик ва услубий семалардан ташқари, яна бир сема қатнашади. Ҳар бир лексема маълум бир туркумга мансуб бўлади ва бу мансубликни лексемадан англашиладиган лексик маъно белгилаб туради. Лексик маънодан келиб чиқиб белгиланадиган бундай семантик қисм туркумлик семаси деб, баъзан эса категориал сема деб ҳам юритилади.

Хуллас, лексеманинг мазмун плани таркибида уч хил сема ажратилади: идеографик сема, услубий сема, туркумлик сема.

Лексеманинг мазмун планига боғлиқ ҳолда лексик қўллаш ҳам кайд этилади. Лексик маъно лексик қўллашдан қуйидагича фарқ қилади:

1. Лексик маъно тил бирлиги (луғавий бирлик) бўлиб, шу тилда гапирувчилар томонидан тан олинган, қабул қилинган бўлади. Лексик қўллаш эса индивидуал матн ҳодисасидир, шу тилда гапирувчилар орасида умумлашмаган, қабул қилинмаган бўлади, айрим муаллиф (киши) матнигагина хос бўлади.

2. Лексик маъно луғавий бойлик таркибига киради, шунга кўра у умумтил луғатида берилади ва айрим ҳолда изоҳланади. Лексик қўллаш эса луғавий бойлик таркибига кириши мумкин бўлган имкониятдир, шунга кўра у умумтил луғатида берилмайди.

3. Лексик маъно шу тилда гапирувчилар матни учун умумий бўлади. Лексик қўллаш эса шу тилда бор лексик маънолардан бирининг айрим муаллиф (киши) матнида янгича берилиши, янгича баҳоланишидир. Лексик қўллаш шу тилда гапирувчи жамоа томонидан тан олинса, кўпчилик матнида ишлатилса, шундагина у лексик маънога айланади.

4. Лексик маъно контекстда намоён бўлади: контекст кўп маъноли лексеманинг бир лексик маъносини бўрттириб, бошқа лексик маъноларидан ажратиб беради. Демак, лексик маъно ҳар галги конкрет

боғланишлар сабабли юзага келамайди, балки шу контекстгача шаклланган бўлади. Контекст шунини юзага чиқариб беради ҳолос. Лексик қўллаш эса контекстнинг ўзида воқе бўлади: уни маълум бир муаллиф тузган контекст юзага келтиради, лексик қўллаш шу контекст доирасидагина мавжуд бўлади.

5. Лексик маъно луғавий бирлик сифатида лексемага бириктирилади ва барқарор бўлади. Лексик қўллаш эса шу лексеманинг ўзиники деб эмас, балки контекстники деб каралади, шунга кўра барқарор бўлмайди: контекст бўлмаса, шундай контекст сабабли пайдо бўлган лексик қўллаш ҳам йўқолади.

6. Лексик маъно одатда, бирор воқеликни номлаш учун хизмат қилади. Бунда образлилик ҳам ифодаланиши ҳам мумкин.

Лексик қўллаш эса асосан образлилик яратиш учун хизмат қилади. Лексик қўллаш бирор воқеликнинг номи бўлмай (бундай вазифани одатда лексик маъно бажаради), балки унғача номланган воқеликнинг ўзгача ифодасидир (лексик қўллаш шу томони билан фигурал лексик маънога ўхшаб кетади, аммо бошқа жиҳатлари билан фарқ қилади).

Лексик қўллаш ҳамма вақт ўринли бўлавермайди. Лексеманинг семантик мазмунига, шу лексема билан тилдаги бошқа лексемалар орасидаги маъно муносабатига зид келмайдиган лексик қўллашгина ижобий бўлади [36.25-27]. Шундай талабга жавоб берган лексик қўллаш шу лексеманинг луғавий маъносидаги мавжуд имкониятни давом эттиради, бора-бора лексик маънога айланиши мумкин.

Фраземада икки ва ундан ортиқ лексема, ўз лексик маъно мустақиллигини йўқотган ҳолда, бир умумий маъно марказига бўйсунди, фраземадан яхлитлигича англашиладиган маъно унинг таркибидаги лексемалардан англашиладиган маъноларнинг оддий (арифметик) йиғиндиси бўлмай, умумлашса, устама маъно, шу билан бирга кўчма маъно сифатида гавдаланади. Масалан: инглиз тилидаги “dog days” фразаси “very hot day” яъни “жазирама иссиқ кунлар” маъносини

англатади. Бу маъно *dog days* лексемалари англатадиган “ит”, “кун” маъноларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки маълум образга асосланадиган умумлашган кўчма маънодир.

Лексемада бўлганидек, фраземанинг мазмун планида ҳам икки ходиса ажратилади:

1. Луғавий маъно, аниқроғи фразеологик маъно;
2. Услубий баҳо.

Фразеологик маъно. Фраземанинг воқеликка нисбатан берилувчи луғавий мазмуни (ниманингдир номланиши, ифодалаш) фразеологик маъно дейилади. Масалан, “David and Jonathan” фраземаси «ажралмас дўстлар» маъносини, “John Trot” фраземаси эса «қишлоқи» маъноларини англатади[58.96].

Фразеологик маъно таркибини семик таҳлил қилиш асосида ҳам идеографик семалар ажратилади. Масалан, “to be out of sort” фраземаси сифатларининг луғавий маъноси таркибида «кайфият» эмоциянинг ижобий-салбийлиги», «эмоциянинг кучли-кучсизлиги» семалари ажратилади. Ана шу идеографик семалар асосида юқоридаги фраземанинг маъносини «хафа бўлмоқ», “кайфияти ёмон бўлмоқ” деб таърифлаш мумкин.

Фраземадан яхлитлигича англатадиган маъно бидан унинг таркибидаги лексемалар англатадиган маънолар орасидаги муносабат асосида фраземаларнинг икки семантик тури фарқ қилинади:

1. Фразеологик бутунлик;
2. Фразеологик чатишма.

Маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланадиган, шу лексик маъноларнинг умумий махражи сифатида гавдаланадиган фразема фразеологик бутунлик дейилади. Масалан, *close one's eyes to something*.

Маъноси таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳланмайдиган, бу лексемаларга хос лексик маъноларни ҳисобга олмайдиган фраземага фразеологик чатишма дейилади.

Фразеологик чатишмага хос маъно таркибидаги лексемаларнинг маъносидан ажралиб қолгани, ҳатто зид бўлади.

Масалан. *eat one's hat* (Ўзбекча “қўлогимни кесиб берман” ёки “отимни бошқа қўяман”) маъносида.

I don't believe the boss is going to give us an extra day off work at Christmas time. If he does, I'll eat my hat. (S. Maugham)

Фразеологик бутунлик ва фразеологик чатишма учун умумий белги уларда семантик ҳамда грамматик синтезга интилишнинг мавжудлигидир[14.87]. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

1. Таркибида икки ва ундан ортиқ лексема қатнашади.
2. Яхлит бир маъно гавдаланади.
3. Таркибидаги лексемалар ўз лексик маъно мустақиллигини йўқотади.
4. Эркин боғланма билан факат омонимик ҳолатда бўлади.
5. Фраземани факат яхлитлигича алмаштириш мумкин.
6. Матнда яхлитлигича бир синтактик вазифа келади.
7. Бошқача тилга яхлитлигича таржима қилинади.

Фразеологик бутунлик билан фразеологик чатишма орасидаги фарқ – улардаги умумий белгининг (семантик ва грамматик синтезга интилишнинг) меъёрида. Буни қуйидаги киёслардан билиб олиш мумкин.

1а. Фраземанинг маъноси таркибидаги лексемаларнинг маъносига боғлиқ шу лексик маъноларнинг ўзига хос синтездан иборат бўлади.

1б. Фраземанинг маъносини унинг таркибидаги лексемаларнинг маъносига боғлиқ эмас, булардан келиб чиқмайди.

2а. Фраземанинг маъносини унинг таркибидаги лексемаларга хос маънолар асосида изоҳлаш мумкин.

26. Фраземанинг маъносини унинг таркибидаги лексемаларнинг хос маънолар асосида изоҳланмайди, фраземадан англашиладиган маънони тушунишда қандайдир шартлилик мавжуд бўлади.

3а. Таркибидаги лексемаларга хос маънолар қисман бўлсада ҳисобга олинади.

3б. Таркибидаги лексемаларга хос маънолага ҳисобга олинмайди.

4а. Фраземанинг яхлит маъноси фонида таркибидаги лексемаларга хос маънолар ҳам сезилиб тургани сабабли бундай фраземанинг маъноси кўп киррали, бой бўлади, анчагина мураккаб ҳолатда гавдаланади; ички образ ҳаёт бўлади.

4б. Фақат фраземанинг яхлит маъносигина мавжуд бўлади. бу маъносининг гавдаланишида таркибидаги лексемаларнинг маъноси қатнашмайди, ички образ сўнган бўлади. Шу боис фраземанинг маъноси анча содда ҳолатда гавдаланади.

5а. Маъносини ўз таркибига кўра изоҳлаш имкониятининг борлиги билан бундай фразема ясама лексемаларга ўхшаб кетади.

5б. Маъносини ўз таркибига кўра изоҳлаш имкониятининг йўқлиги билан бундай фразема туб лексеманинг бош маъносига ўхшаб кетади.

Услубий баҳо ифодалашнинг лексемадаги ва фраземадаги мавқеи ўзаро фарқланади. Бундай баҳо лексемаларнинг кўпида яққол ифодаланиб турмайди, баъзан эса бундай баҳо лексемани турлича маъно муносабатига киритиш, турлича қўлдан билан ҳосил қилинади. Фраземаларнинг кўпида эса услубий баҳо унинг мазмун планида доимий таркибий қисм бўлиб қатнашади, баъзан фразема маъносини бутунлай қамраб олгандек, кўмиб юборгандек бўлиб кўринади[19.58].

Фраземалар одатда воқеаликни номлабгина қолмай, уни баҳолаб ҳам туради. Фраземаларнинг тилда яшашини оқлаб турувчи сабаблардан бири шу. Масалан: Фраземанинг мазмуни планига мансуб услубий баҳо ҳам, худди лексемада бўлганидек стилистик сема деб юритилади.

Лексеманинг мазмун планидан келиб чиқиб белгилангани каби, фраземанинг мазмун планидан келиб чиқиб ҳам туркумлик семаси белгиланади. Туркумлик семаси асосида фраземалар сифат, феъл, равиш туркумларига киритилади.

Тил бирликлари бир ёки бирдан ортиқ маънони англатади[13.55]. Бир маънони англашитиш ҳодисаси моносемия, бундай хусусиятли тил бирлиги моносематик бирлик дейилади. Бирдан ортиқ маънони англайтиш ҳодисаси полисемия, бундай хусусиятли тил бирлиги полисемантик бирлик дейилади. Барча тил бирликлари моносемантик (бир маъноли) ва полисемантик (кўп маъноли) деб иккига гуруҳланади. Булардан полисемантик тил бирликлари алоҳида диққат билан ўрганиши талаб қилади.

Полисемия. Полисемия луғавий бирликларга ҳам, грамматик бирликларга ҳам хос, шунга кўра икки хил бўлади:

1. Луғавий полисемия – луғавий бирликлардаги кўп маънолилик ҳодисаси:

2. Грамматик полисемия – грамматик бирликлардаги кўп маънолилик ҳодисаси:

Луғавий полисемия икки турли бўлади:

1. Лексик полисемия – лексемалардаги кўп маънолилик ҳодисаси. Масалан, *hand – organ of body, hand of o'clock*.

2. Фразеологик полисемия – фраземалардаги кўп маънолилик ҳодисаси. Масалан, *Horse sence. 1. Common sence. 2. Shrewdness, cleverness.*

1. *I took my father when to shop for a new car. He has real horse sense and can spot a good deal. (S. Maugham)*

2. *You just don't have any sense when it comes to looking after yourself. You stay up late, don't get enough sleep, eat poorly (Ibid.).*

Ҳар бир лексема яратилишига кўра моносемантик бўлади: бирор предмет, белги муносабатнинг номи сифатида юзага келади. Кейинчалик у бошқа ҳодисаларга ҳам ном бўлиб хизмат қилади, шу йўл билан ўз

маъносини ўзгартиради, тараққий эттиради. Натижада лексема маъносида турли туман силжишлар юз беради, моносемантик лексема полисемантик лексемага айланади[42.36-38].

Лексеманинг кўп маънолилиги контекстда намоён бўлади. Контекст канчалик ранг баранг бўлса, лексеманинг маънолари ҳам шунчалик кўп бўлади. Бунда шу лексема билан боғланиб келувчи лексемаларнинг оддий миқдори эмас, балки турли – туман семантик йўналишдаги лексемалар бўлиши хал этувчи аҳамият касб этади.

Лексик полисемемия – кўп киррали ва мураккаб ходиса. Деярли ҳар бир лексеманинг маъно тараққийети алоҳида – алоҳида ёндашишни, изохлашни талаб қилади. Шу сабабли лексик маъноларни аниқлаш ва системалаш жуда қийин кечади. Лексеманинг кўп маънолилиги ҳақида, тараққийети ҳақида умумий фикрлар, одатда лексик маъно тараққийети ҳақида тасаввур ҳосил этиш учунгина хизмат қилади.

Лексик маъно одатда бир предмет, белги, ҳаракатнинг номини бошқа бир предмет, белги, ҳаракатга кўчириш йўли билан ривожланади. Бундай кўчиришнинг табиатини, мавқеини ҳар бир тилнинг ўзидаги семантик қонуниятлар белгилайди.

Кўчиришлар асосан қуйидагилар: метафора йўли билан кўчириш, функционал кўчириш, метонимия йўли билан келиш, синекдоха йўли билан келиш. Кўчириш қоришиқ ҳолда (метафорик – функционал, метафорик – метонимия, метонимия – синекдоха тарзида) ҳам учрайди.

Бирон нарса, белги, ҳаракатнинг номини бошқасига ўзаро ташқи (шакли, ранги каби) ўхшашлиги асосида кўчирилса, метафора йўли билан кўчириш дейилади.

Масалан, *way* лексемаси асли йўл маъносини англатса, шаклий ўхшашлик асосида бу лексема «усул, метод» маъноларини ҳам англата бошлади.

Метафора йўли билан кўчиришнинг асосий кўринишлари:

1. бир нарсанинг номи бошқа бир нарсага шаклий ўхшашлик асосида кўчирилади. Масалан, *огиз, одамнинг оғзи, шишанинг оғзи*;

2. бир нарсага (баъзан ҳаракатга) хос белгининг номини бошқа нарсадаги белгига кўчирилади: *тўғри чизик – тўғри гап*.

Бир предмет номини бошқа бир предметга белги сифатида келтириш ҳам мавжуд: *олтин (қимматбаҳо маъданнинг номи) – олтин япроқлар* каби. *Gold – golden leaves*. Бунда нарсанинг номини белгини англатиб келади[45.36].

3. Бир нарсага хос ҳаракатнинг номини бошқа бир нарса ҳаракатига кўчирилади. Масалан, чўқмоқ (иморатнинг чўқиши), (одамнинг қариганда чўқиши). Инглиз тилида *to be broken – Windows is broken. He is broken*.

Бирор нарсанинг номини бошқасига улар бажарган вазифадаги ўхшашлик асосида кўчирилиши функционал кўчириш дейилади.

Функционал кўчириш ҳам ўхшашлик асосида бўлади. Бу жиҳатдан у метафора йўли билан кўчиришга жуда яқин туради. Фарқ шундаки, метафора йўли билан кўчиришда предметлар орасидаги ташқи кўриниши жиҳатидан, материал жиҳатидан ўхшашлик асосга олинса, функционал кўчиришда вазифа жиҳатдан ўхшашлик назарда тутилади. Масалан, *birds wing, plane's wing – қуш танасидаги учуш учун хизмат қилувчи аъзо қанот* дейилади. Шунга ўхшаш вазифани бажарувчи қисм самолётга нисбатан ҳам “қанот” деб номланган.

Функционал кўчиришда кўпинча шаклий ўхшашлик ҳам қатнашади. Шу сабабли бу кўчиришларни функционал – метафорик кўчириш деб баҳолаш мумкин.

Бир нарса, белги ҳаракатнинг номини бошқа бир нарсага ўхшашлик асосида эмас, балки ўзаро боғлиқлик асосида кўчирилишини метонимия йўли билан кўчириш дейилади. Масалан, *cradle – the place where smth begins (origin)*.

Метонимия билан кўчиришнинг асосий кўринишлари:

1. Бир предметнинг номи шу предметдаги бир параметрга кўчирилади: *Who is the moustache? (Who is the man?) The whole table was stirring with impatience. (S. Maugham)*

2. Бир нарсанинг номи шу нарсага асосланган ўлчов бирлигининг номи бўлиб хизмат қилади: *It was too late for the river (a picnic on the riverside). (S. Maugham).*

3. Бир нарсанинг номи шу предметдан ҳосил бўладиган предметга кўчирилади: *Tea – (plant); tea – (drink);*

4. Белгининг номи шундай белгиси бор нарсага кўчирилади: *Holy Book – Holy Spirit = God. Масалан, кўк – (ранг номи); кўк - (осмон).*

5. Ҳаракат номи шу ҳаракат натижасида ҳосил бўладиган нарсага кўчирилади: *туймоқ – туй, кўчмоқ – кўч каби.*

Бир предметнинг номи бошқа предметга қисм / бутун муносабати асосида кўчирилиши синекдоха йўли билан кўчириш дейилади. Синекдоха йўли билан кўчириш метонимия йўли билан кўчиришнинг бир кўриниши, белгисига асосланишдир. Синекдоха йўли билан кўчириш икки хил йўл билан амалга оширилади:

1. Бир нарсанинг сифатида унга хос бирор номи ишлатилади (қисм орқали бутун англатилади). Масалан, *тирноқ (қисм) – тирноқ (бутун).*

Дунёда тирноққа зор одамлар оз дейсизми? (Ў.Хошимов)

Under one's roof (in one's house).

2. Бир предметнинг номи сифатида шу предметни ҳам ўз ичига олган бутуннинг номи ишлатилади (бутун орқали қисм англатилади). *(Беш қўл баробар эмас), қўл (бутун) – қўл (қисм – бармоқ).*

1.3 Тил луғат таркибида рўй берадиган семантик жараёнлар.

Янгилик бўёғи бор тил бирлиги неологизм дейилади. Неологизм тилга умуман мансуб бўлиши, шунингдек яқка шахс матнига хос бўлиши мумкин. Биринчиси, умумтил неологизм деб, иккинчиси индивидуал матн неологизм деб юритилади. Лексикологияда асосан умумтил неологизми ўрганилади. Индивидуал матн неологизми эса услубга хос ҳодиса деб қаралади.

Ҳар қандай неологизм дастлаб индивидуал матнда юзага келади. Бундай неологизм кўпчилик томонидан тан олинса, тилнинг тараккиёт қонунларига мос ҳолатда тузилган матн неологизм умумтил неологизмига айланади, яқка матн доирасидан чиқади[46.107]. Агар бундай талабларга жавоб бермаса, индивидуал матн доирасида қолиб кетади. Умумтил неологизм тилда маълум вақт ишлатилгач, янгилик бўёғини йўқотади ва кўпинча замонвий луғавий бирликка айланиб кетади.

Неологизм луғавий бирликлар доирасида ҳам, грамматик ҳодисалар доирасида ҳам мавжуд. Шунга кўра неологизмнинг, аввало икки тури фарқ қилинади.

1. Луғавий неологизм – луғавий бирликлардаги тури.

2. Грамматик неологизм – грамматик ҳодисалардаги тури.

Грамматик неологизм – тилда жуда кам учрайдиган ҳодиса. Грамматик неологизм асли грамматик маъно ифодаловчи (формативлар) доираси билан чекланади. Чунки булар бус-бутун грамматик қурилишга хос ҳодисалардир. Лексема ясовчилар (деривативлар) ҳам (морфема сифатида) грамматик ҳодисалар жумласига киритилади.

Аммо булар асли (янги луғавий бирлик яратишда қатнашувчи жиҳатидан) луғатнинг бойиш жараёни билан боғланади, демак, луғавий (лексик) ҳодисалик хусусиятига ҳам эга.

Грамматик маъно ифодаловчи аффикслардан неологизмлик ҳолатини ўзбек тилида замон ясовчи –яп аффикси бошдан кечирди. Бу аффикслар яқин вақтгача сўзлашув матнига хос (диалектал) шакл деб баҳоланар эди.

Кейинроқ у адабий матннинг оғзаки шаклга хос деб тан олинди. Ҳозир эса ўз ишлатилиш доирасини кенгайтириб, адабий матннинг ҳар икки – ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли учун асосий шаклга айланди.

Луғавий неологизм икки хил кўринишда намоён бўлади:

1. Лексик неологизм – лексемалардаги тури
2. Фразеологик неологизм – фраземалардаги тури

Лексик неологизм, ўз моҳиятига кўра икки гуруҳни ташкил қилади:

А) лексема яхлитлигича неологизм бўлади. Буни неолого-лексема деб номлаш мумкин.

Б) лексема эмас, балки унинг семемаларидан бири неологизм бўлиши мумкин. Буни неолого-семема деб номлаш мумкин.

Неолого-лексема билан неолого-семема асли бир ҳодисадир. Чунки ҳар иккиси ҳам лексик маънога асосланади: биринчиси янги моносемантик лексема бўлади. Иккинчиси эса полисемантик лексеманинг кейинги, янги маъноси бўлади. Шунга кўра неологизмнинг бу турларини лексик неологизм, семантик неологизм деб номлаш тўғри бўлмайди.

Лексик маъно таракқиётига кўра тилда лексема яшаш ва лексема ўзлаштириш маъно жиҳатидан устун туради, шу сабабли неологизм – семемадан кўра неологизм лексема кўп бўлади.

Фразеологик неологизм кам учрайдиган ҳолардан ҳисобланади. Ҳозирги ўзбек тилида бундай неологизмга *рух(и)га кирмок*, «а» *деса* «б» *делок* каби фраземаларни кўрсатиш мумкин.

Фразеологик неологизмда унинг индивидуал матнга хослиги сезилиб туради. Чунки янги фразема янги лексемага қараганда секинлик билан оммалашади.

Фразеологик неологизм кўпинча бошқа тилдан калькалаш йўли билан кириб келади, ўзича яшаш эса нисбатан кам учрайди [56.81].

Неологик фраземани бошқа бир ҳодисадан - мавжуд фраземани янги шаклга киритишдан (неологик) шаклдан фарқлаш лозим. Баъзан эса тилда ўзлашиб кетган фраземани ишлатмасдан, ўзича янгидан калькалаш

ҳоллари ҳам учрайди. Буни индивидуал матн неологизм деб баҳолаш лозим. Масалан, русча *претворять в жизнь* фраземанинг калькаси бўлган *тадбиқ этмок* фраземаси ўзбек тилига сингиб кетган.

Луғавий бирликларнинг янги бўлиши бошқа-ю, янгилик бўёғига эга бўлиши бошқа ҳодиса. Ҳар қандай янги лексема неологизм бўлавермайди.

Неологизм ўта нисбий тушунчадир. Аввало, тил таракқиётининг ҳар бир босқичи ўз неологизмига эга бўлади. Бир босқичда неологизм деб қаралган ҳодиса, иккинчи босқичда ҳам неологизм бўлиши шарт эмас. Иккинчидан, неологизмни белгилашда шу тилда (индивидуал неологизмнинг эса матнда) қанча вақт мавжудлигининг ҳам аҳамияти йўқ. Лексема жуда қисқа вақт ичида неологизмликдан чиқиб кетиши мумкин. Умумтил неологизми одатдаги замонавий лексемага қанча вақт ўтмасин, ўз янгилик бўёғини йўқотмаслиги, умуман неологизмлигича қолиб кетиши мумкин.

Неологизмлар тилда икки хил талаб (эҳтиёж)га кўра пайдо бўлади:

1. Янги воқеликнинг янги номи сифатида. Бунда неологизм ўзи англаётган воқеликнинг ягона номи бўлади, соф номинатив вазифани ўтайди: «*me first*» иборасидан “*me firstism*” неологизми шаклланган.

2. Номланган воқеликнинг янги номи бўлади. ҳақиқий неологизм асли шу. Бунда ўзигача номланган воқеликни янгитдан номлайди, натижада синонимия туғилади: номинатив вазифани ўташдан қатъий назар, бундай неологизм услубий баҳоли бўлади ва матн қурилишига мосланган бўлади.

Неологизм қуйидаги йўллар билан пайдо бўлади.

1. Лексема яшаш орқали. Бунда икки ҳодисани фарқлаш керак:

а) янгидан яшаш йўли билан ҳосил қилинади. *Do it yourself* иборасидан *do it yourself* неологизми ҳосил бўлган.

б) Мавжуд лексемага параллел равишда яшаш йўли билан ҳосил қилинади: *jaket – jacketed, jersey – jerseyed* каби.

2. Лексеманинг лексик маъно таракқиёти йўли билан.

3. Ўзлаштириш йўли билан.

Эскилик бўёғи бор тил бирлиги архаизм дейилади. Архаизм луғавий бирликлар доирасида ҳам грамматик ходисалар доирасида ҳам мавжуд. Шунга кўра архаизмнинг аввало, икки тури фарқланади:

1. Луғавий архаизм
2. Грамматик архаизм

Грамматик архаизм деб инглиз тилидаги *has* “эга бўлмок” феълининг *hath* шаклини, яна *make* – *ясамок* феълининг *makets* шаклини кўрсатиш мумкин. Булар тилда жуда оз. Масалан, инглиз тилида

Didst thou hear the noise? (Didn't you)

Луғавий архаизм икки турли кўринишга эга:

1. Лексик архаизм – лексемалардаги тури
2. Фразеологик архаизм – фраземалардаги тури.

Лексик архаизм ўз мохиятига кўра икки гуруҳни ташқил этади:

А) лексема яхлитлиги боис архаизм бўлади. Буни архаизм – лексема деб номлаш мумкин: *troth* – (*faith*), *a losel* (*a lazy fellow*) каби.

Б) лексема эмас, балки унинг семемаларидан бири архаизм бўлади. Буни архаизм – семема деб номлаш мумкин бўлади. М.; *hereby*, *therewith*, *aforesaid*.

Ҳар икки турдаги архаизмнинг воқе бўлиши шу тилнинг ўз тараккиёт йўли билан боғлиқ ва лексик маънога асосланади.

Фразеологик архаизм кўп эмас. Бундай архаизмга ўзбек тилида ёқасини чок этмок, эти сенки, суяги бизники каби фраземаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Лексик архаизм билан фразеологик архаизмнинг ўзаро фарқи сифатида куйидаги ҳолатни кўрсатиш мумкин: архаизм – лексема билан ёнма-ён одатдаги лексема ҳамма вақт мавжуд бўлади; бироқ архаизм-фразема билан ёнма-ён одатдаги фразема ҳамма вақт мавжуд бўлавермайди. Кўпинча архаизм-фразема билан ёнма-ён унинг синоними бўладиган одатдаги лексема тўғри келади. Лексема ҳам, фразема ҳам

луғавий бирлик, фразема асли лексема билан англаилдиган, ифодаланган воқеликнинг ўзгача номи ҳолос.

Архаизм ҳозирги тилнинг луғатига хос бирлик ҳисобланади ва бошқа луғавий бирликлардан эскилик бўёғи борлиги билан ажралиб туради. Луғавий бирлик бирор бирликка ўз ўрнини бўшата бориши натижасида архаизм пайдо бўлади. Бу жараён тарли-туман сабабларга кўра юзага чиқади. Архаизм умуман синонимияга асосланади ва шунга кўра архаизмнинг пайдо бўлишини изохлашда синонимия муносабатидаги луғавий бирликларнинг ҳолатига, тараккиётига суяниш лозим. Бунда асосан куйидагича сабаблар кўрсатилади.

1. Синонимлар матнда бир хил ишлатилмаслиги туфайли улардан баъзилари архаизмга айланади. Авваллари кўп ёки бошқалари билан тенг ишлатилдиган луғавий бирлик ўз синонимларига қараганда матнда оз ишлатилади ва бора-бора архаизм тусини олади.

2. Лексема ўзлаштириш туфайли воқе бўлган синонимлар тилда ўзаро бир хил мавкега эга бўлиб қолавермайди. Баъзан шулардан бири иккинчисининг ўрнини боса боради, ўз ўрнини бўшата борган луғавий бирлик архаизмга айланади.

3. Полисемантик лексеманинг ўз синоними бор семемаси, бир томондан, шундай синонимиянинг мавжудлиги таъсирида, иккинчи томондан, шу полисемантик лексеманинг бошқа семемаси таъсирида ўз ўрнини бўшата боради ва бу билан семеманинг ҳам, синонимнинг ҳам тилдаги мавкеи кучаяди.

Архаизм тилда аввало услубий фигура сифатида яшайди ва шунга кўра архаизмдан куйидаги мақсадларда фойдаланилади:

1. Матнга кўтаринки, назокатли рух бериш учун. Бундай вазифада архаизм асосан шеръий асарларда ишлатилади:

Come hether, hither, my little page!

Wy dost thou weep and wail?

Or dost thou dread the billow's rage,

Or tremble at the gall?

(G. Byron).

2. Матнга хос мутоиба, киноя, масхара руҳини бериш учун.

Ўтмиш воқеликни номлаш зарурияти билан ҳозир ишлатиладиган эски луғавий бирлик историзм дейилади. (юнонча *historia* – текшириш, тадқиқот). Историзм луғавий бирликлар доирасидагина учрайди. Шунда ҳам кўпчиликни лексик историзмлар ташкил қилади. лексик историзм кўпинча историзм-лексема бўлади.

Архаизм ва историзм ўзаро кескин фарқ қилувчи ҳодисалардир. Улар орасидаги фарқ куйидагича:

1. Архаизм – мавжуд воқеликнинг номи. Историзм эса ўтмиш воқеликнинг номидир.

2. Архаизм, мавжуд воқеликнинг бошқа бир, ўзгача номидир. Историзм эса ўтмиш воқелигининг номи бўлиб, ҳозирги тилда унинг ўрнини боса олувчи бошқа луғавий бирлик йўқ.

3. Архаизм ўзи номлаётган воқеликни англатувчи луғавий бирлик билан ёнма-ён яшайди. Историзм эса, одатда ўзи англатган ўтмиш воқелигининг ягона номи бўлади.

4. Архаизм тилнинг тасвирланаётган даври луғатига хос бўлади, историзм эса ўтмиш луғатига хос бирликдан вақтинча фойдаланишда воқе бўлади.

5. Архаизм луғавий бирликларнинг ўзаро муносабати билан боғлиқ ҳолда баҳоланади. Историзмда эса бу ҳодиса кузатилмайди.

1. Архаизм бугунги кунда одатдаги деб қаралувчи луғавий бирликнинг услубий синоними бўлади. Историзмда бундай ҳолат кўзга ташланмайди.

2. Архаизм синонимия билан боғлиқ бўлгани сабабли бир синонимик қаторга мансуб ҳодисаларнинг қиёсига асосланади. Матнда шу синонимлардан энг ўринлиси танлаб ишлатилади. Историзм эса яқка ҳолатда учрайди.

3. Архаизм, номинатив вазифадан, даврни гавдалантириш вазифасидан ташқари, стилистик фигура сиаотида ҳам хизмат қилади. Историзм эса одатда стилистик фигура бўлиб келмайди.

4. Архаизмнинг пайдо бўлиши луғавий бирликларнинг янгича услубий муносабатга киришуви билан боғлиқ. Бундай муносабат натижасида луғат хеч нарса йўқотмайди. Айна бир воқеликни номловчи луғавий бирликлардан баъзисида эскилик бўёғи ҳосил бўлади ҳолос. Историзм эса луғатдан маълум бирликнинг тушиб қолиши ҳодисасидир. Воқеликнинг йўқолиши шу воқеликнинг номи бўлган луғавий бирликни кераксиз қилиб қўяди.

5. Архаизм ҳар бир тил учун хусусий бўлади. Историзмда эса тиллараро маълум умумийлик борлиги кўзга ташланади.

6. Архаизм асосан тилнинг ўз тараққиёт қонунлари билан изохланувчи ҳодисадир. Бундай изох системасининг ўзига (лингвистик омилга) асосланиши керак. Историзм эса биринчи галда жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, маданий, тараққиёти тарихга (экстралингвистик омилга) кўра изохланади. Шу сабабли историзмнинг пайдо бўлишини изохлаш нисбатан осон.

7. Архаизм ва историзмнинг луғат бойлигига одатдаги луғавий бирлик сифатида қайтиши жуда оз учрайди. Шунда ҳам архаизмнинг қайтиши билан историзмнинг қайтишида кескин фарқ мавжуд. Архаизм фақат эскилик бўёғини йўқотади-ю, одатдаги луғавий бирликка айланиб кетади, лексик маънода катта ўзгариш содир бўлмайди. Историзмнинг қайтишида эса унинг лексик маъноси тубдан ўзгаради, луғавий бирлик маъно жиҳатидан янгиланади, гуё янги луғавий бирлик даражасига кўтарилади, демак, неологизм билан бир қатор архаизмгина қўйилиши керак, историзм эса алоҳида ҳодиса сифатида айрим баҳоланиши керак.

II-боб. Фразеологик турғун бирикмаларнинг структурал ва семантик таҳлили.

2.1 Фразеологик турғун бирикмаларнинг структурал-семантик гуруҳлари.

Фразеологик характердаги турғун бирикмалар тил эгаси бўлган халқнинг маънавий кадриятлари, турмуш тарзи ва маданияти, урф-одати, каби, яшаш шароити, интилиши воқеликка муносабати билан узвий боғлиқдир. Фразеологик турғун бирикмалар образлилик, экспрессивликни вужудга келтирувчи муҳим воситалар бўлиб, улар бадий, сиёсий ва публицистик матнларнинг ифодавий таъсирчанглагини оширишга хизмат қилади. Улар ихчам, маъно жиҳатидан салмоқдор, фикрни асосли, образли ва таъсирчан ифодалашга ёрдам беради.

Инглиз тилида фразеологик бирикларнинг бешта асосий структуравий типлари мавжуд:

1. Бир ядроли фразеологик бирикларнинг таркибида бир асосий ва бир ёки ундан ортик ёрдамчи элемент мавжуд бўлади.

2. Таркибида тенг боғловчили ёки эргаш боғловчили сўз бирикмали фраземалар бўлади.

3. Қисман предикатив структурали фразеологик бириклар (яъни, лексема + эргаш гап).

4. Таркибида мажхул нисбатдаги феъл ёки ноаник шаклдаги феъл қатнашган фразеологик бириклар.

5. Содда гапли ёки қўшма гапли фразеологик бириклар.

Фразеологик бирикларнинг тўртта структуравий семантик гуруҳини ажратиш кўрсатиш мумкин [52.65]. Булар фразеологизмларнинг асосий структуравий типлари билан мос келмайди, бунинг сабаби фразеологизмнинг тўлиқ, бир бутун маъноси унинг синтактик таркибини ўзгартириши натижасда маъно ва таркиб (қурилишида) оппозиция вужудга келиши мумкин.

1. Номинатив, яъни предмет ва ҳодисаларни англатувчи фразеологизмлар. Бу синфга тўртинчи структуравий типдаги ва қўшма гапли фразеологик бириклардан ташқари барча структуравий типлар киради.

2. Ундов ва таклид сўзлик, ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи ва модал маъноли фразеологик бириклар. Бу синфга предикативлигини йўқотган гап таркибли фразеологик бириклар киради.

Номинатив-коммуникатив фразеологик бириклар. Бу синфга фақат тўртинчи структуравий тип фразеологизмлари киради.

4. Коммуникатив, яъни содда гап ва қўшма гап таркибли фразеологик бириклар. Бу синфга мақол ва маталлар киради.

Одам номлари билан боғлиқ бўлган (ономастик компонентли) фразеологик бириклар гуруҳини алоҳида таъкидлашга тўғри келади. Инглиз тилида ономастик компонентли фразеологик бириклар унчалик кўп эмас. Уларнинг пайдо бўлиш манбалари ҳам турлича. Келиб чиқишига кўра уларни асосий икки гуруҳга ажратиш мумкин.

III. Соф инглизча (ономастик компонентли) фразеологик бириклар

IV. Чет тилларидан кириб келган ономастик компонентли фразеологик бириклар (ОКФБ).

1. Соф инглизча ОКФТБ (инглиз ҳалқи томонидан яратилган). Инглиз тилида соф инглизча оборотлар кўпчиликини ташқил қилади: уларни семантик мотивациялаш жиҳатидан гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Инглиз халқининг урф-одат ва анъаналарини акс эттирувчи ономастик компонентли фразеологик бириклар:

rob Peter to play Paul – бировни қўллаш эвазига кимгадир зиён – захмат етказиш.

2. Инглизча реалиялар билан боғлиқ ОКФБлар:

an Aunt Sally – Салли ҳола (ҳалқ ўйинларидан бирининг номи), хақорат.

3. Эртақ ва масаллардан олинган ОКФБлар:

fortunatus's purse - неистошимный кошелек (тубсиз ҳамён (*Fortunatus* – персонаж)

Alladdin „s lamp – Волшебный ласпа Алладина, Аловуддиннинг сеҳрли чирог

4. Ривоятлар билан боғлиқ бўлган ОКФБлар:

A peering Tom - хаддан ташқари қизиқувчан одам. (чересчур любопытный человек).

5. Тарихий фактлар билан боғлиқ бўлган ОКФБлар:

When Adam delved and Eve spen who was then the gentlemen? Козда Адам пахал а пряла Ева. Где родословное стояло дерево, (1391 йилдаги дехконлар уруши ишораларидан бир).

6. Шексперизмлар:

Инглиз тилидаги фразеологизмлар сони бўйича шексперизмлар библеизмлардан кейин иккинчи ўринда туради.

A Daniel come to judgement - честный, праведный, нелицеприятный судья, юз-хотир қилмайдиган, адолатпарвар судья.

To out Joseph - превзойти Иосифа Прекрасного скромностью

7. Адабий манбалардан олинган ОКФБлар:

Doctor Fell – человек, вызывающий к себе невольную антипатию. Старик Томас Браун написал об уволившем его докторе Фелла.

What will Mrs. Grundy say? Что скажет миссис Гранди? Что скажут люди? Одамлар нима дейди?

Ибора *Speed the Plough* комедиясида ишлатилади. Миссис Гранди – воплощение ходячей морали:

Little Mary – ошкозон, желудок, животник (пъесанинг номи).

The real Simon pure – нечто настоящее, неподдельно; соф, хакикий, сохта эмас.

(С.Сентливернинг (1667-1723) «*A Bold Stroke for a wife*» асари персонажи номи билан боғлиқ).

Библеизмлар:

Инжил О.К. фразеологик тургун бирликларнинг муҳим адабий манбаси бўлиб хизмат қилади. Инглиз тилига инжил саҳифаларидан нафакат сўзлар, балки бутун идиоматик иборалар кириб келган:

David and Jonathan «неразлучные друзья»; ажралмас дўстлар инжилда ёзилишича Девид ва Жонатаннинг дўстлигидек мустаҳкам дўстлик халқ тилида иборага – тургун бирикмага айланган. ...

Poor as Job – беден как Иов. Қашшоқ

Инжилнинг Аюб ҳақидаги қиссасида Аллох уни синаш учун унинг бор бойлигини олиб қўйиб унинг бошига кашшоқликнинг оғир мусибатларини солганлиги ҳақида хикоя қилинади. Иборанинг келиб чиқиши шу қисса билан боғлиқ.

II. Чет тиллардан кириб келган ономастик компонентли фразеологик тургун бирикмалар.

Ономастик компонентли фразеологизмларнинг кўпчилиги антик мифология билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб,

A) мифология билан боғлиқ бўлган ОКФТБлар гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Achilles' Heel - «ахиллесова пята». «единственное, уязвимое место»; «биттагина, нозик, заиф хусусият ёки камчилик».

Бу фразеологик бирликнинг келиб чиқиши Грек мифологияси қахрамони Ахилла номи билан боғлиқ. У жангда енгилмаслиги, ҳар томонлама жасурлиги билан доврўғ қозонган. Лекин унинг биргина камчилиги, яъни нозик жойи унинг товони эди. Бошқа жойига ўқ отилса ҳам у ўлмас эди.

A Herculean Labor - «геркулесов труд»; «оғир машаққатли меҳнат»

The thread of Aridness - «путеводная нить» способ помогающий выйти из затруднительного положения «; йўл кўрсатувчи ип, мушкул вазиятдан чиқиб кетишда ёрдам берувчи йўл.

Крит шохининг кизи Ариадна грек қахрамони Тезейга иплар ўрамини бериб, лабиринтдан чиқиб олишга ёрдам беради. Фразеологик бирликнинг маъноси замирида афсонанинг талкини ётади.

b) Кадимий Рим билан боғлиқ бўлган ОКФТБлар ҳам мавжуд:

"*Cesar's wife must be above suspicion*" - Цезарнинг хотини шубҳадан ҳоли бўлиши керак, маъносини билдирувчи Юрий Цезарнинг сўзлари хотини Помпел билан ажрашганлигининг сабабини шундай тушунтиради. Бундан "*Cesar's wife*" яъни "человек какой должен быть вне подозрений"; "шубҳадан ҳоли бўлиши керак бўлган одам" маъносидаги иборани келтириб чиқарган.

c) Француз тилидан кириб келган ОКФТБлар:

Buridan's ass - "буриданов осёл" фр. âne de Bouriolan. Иккита бир хил нарсалар орасидан биронтасини танлай билмайдиган одам ҳақида француз философи Буридан томонидан иккита бир хил икки боғ хашакдан кайси бирисини ейишини билмай очдан ўлган эшак ҳақида ёзилган хикоядан юқоридаги ибора келиб чиққан.

d) *Damocle's sword* - нем. *Damoklesschwert* "постоянно грозящая опасность"; "доим хавф солиб турувчи тахдид".

Сиркаўз подшоши Доионсий зиёфат чоғида вазири Дамоклни ўз тахтига ўтказиб, тепасига соч толасига қилич осиб кўяди. Дамоклнинг хаёти хавф остида қолади. Иборанинг келиб чиқиши шу киссага боғлиқ.

Инглиз тилидаги ономастик компонентли фразеологик бирликларни куйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Факат фамилиялар билан боғлиқ бўлган ОКФТБлар:

According to Cocker - «Коккердек», «тўғри», «аниқ», «барча қоидаларга асосан» (Э. Коккер, 1631 – 1675, XVII асрда машхур бўлган инглиз арифметика дарслигининг муаллифи) «точно», «по всем правилам». Бу ФБнинг пайдо бўлишининг асосий сабаби шунингдек Коккернинг дарслиги жуда аниқ маълумотларни ўз ичига олган.

The Admirable Crichton [kratin] «олим», «ўқимшли одам», «зиёли эр» (XVI асрда яшаган машхур шотланд олими Джеймс Крайтон номи билан боғлиқ), «ученый», «образованный человек», «ученый муж».

Hobson's choice «мажбурий, ноиложликдан танлаш», ноихтиёрӣ танлов, «вынужденный выбор», «выбор поневоле».

2. Факат исм (ном)лар билан боғлиқ бўлган ОКФТБлар:

Big Ben «катта Бен» (инглиз парламенти биносидаги соатнинг номи). Соатлар Бенджамин Ҳолл раҳбарлиги остида ўрнатилган ва унинг шарафига номланган.

When queen Ann was = «при царе Горохе», во время оно – кадимда.

3. Исм ва фамилиялар билан боғлиқ бўлган ОКФТБлар:

Jask Ketch - «кассоб»; «палач» (XVII асрда яшаган инглиз кассоби номи билан боғлиқ).

A Joe Miller – плоская острога, старая шутка, и забытый анекдот; эски хазил, латифа (1684 – 1738, Англияда биринчи бўлиб хазиллар тўпламини нашр қилдирган инглиз актёри Джозеф Миллер номи билан боғлиқ).

Jack Johnson «тяжелое орудие», «крупнокалиберный снаряд»; «оғир қурол, асбоб» (машхур негр боксери номи билан боғлиқ).

Tommy Atkins - «Томми Аткинс» (Инглиз солдатининг лақаби).

Jack Sprat – «хеч кимга кераксизлик»; «қарилик», ничтожество.

Jack Horner - «самодовольный мальчи́к»; болалар шеърларидан олинган.

Sherlock Holmes - «Шерлок Ҳолмс»; «необразованный, находчивый сыщик»; «суддабурон изкувар», (Конан Дойл хикоялпрининг персонажи).

An Oliver Twist «Оливер Твист» «человек которому мало его порции, доли» - «очкўз одам». (Ч.Диккенс романинг қахрамони номи билан боғлиқ).

John Bull - «Джон Булл» (инглиз буржуазияси вакили; олицетворение английского буржуа).

(Киролича Аннанинг ваҷри Джон Арбетнотнинг шу номли сатирик кашфиёти номи билан).

John Doe and Richard Roe - вообразаемый истец и ответчик в судебном процессе; "суд жараёнидаги маъсул, жавобгар шахс". (XIX асрнинг биринчи ярмида англиз судлари фаолиятида мулкчилик масалалари билан боғлиқ ишларни юритган юридик шахсларнинг номи билан боғлиқ).

2.2 Фразеологик турғун бирикмаларнинг структурал таҳлили.

Тилшуносликда тилнинг ички қурилишини, тил системасини ташкил этган элементлар орасидаги муносабатларни, оппозицияларни ўрганишга катта эътибор берилади. Тилнинг системаси, структурал аспекти ва тил бирикклари орасидаги муносабатларни ўрганишга тилшунослик фанининг тарихида ҳам доим аҳамият бериб келинган[20.65].

Ономастик компонентли фразеологик бирикларда тил элементларнинг ўзаро жойлашиши, уларнинг алоқадорлиги, бир элементнинг бошқа элементлар билан бирикиш усуллари ва қўлланилиш доираси структуравий таҳлил орқали яққол номоеън бўлади[39.114]. Уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

Сўз бирикмаси шаклдаги ОКФТБлар:

Proper noun + (,s) + Common noun

- 1) *Job's news*
- 2) *Jacob's ladder*
- 3) *Achille's Heel*
- 4) *Job's post*
- 5) *Hercules's pillars*
- 6) *Aladdin's lamp*
- 7) *St. John's evil*
- 8) *Adam's wine*
- 9) *John Thomson's man*
- 10) *Benjamin's mess*
- 11) *Pandora's Box*
- 12) *Penelope's web*
- 13) *Procrustes' bed*
- 14) *Prince Albert's coat*
- 15) *King Charle's Head*
- 16) *Cordelia's gift*

17. *Caesar's wife*

18. *Alschar's cream*

19. *Buridan's ass*

20. *Damocles' sword*

21. *Hobson's choice*

б) Сифат + атокли от шаклидаги ОКФТБлар:

Adjective + Proper noun

1. *Admirale Crichton*

2. *Hanset Abe, Jolly Roger, Big Bertha, Cheap Jack, Gay Louthario*

3. *Artful Dodger*

4. *Blue Peter*

5. *Faitful Adam*

6. *Little Mary*

7. *Merry Andrew*

8. *Long Tom*

9. *Long Eliza*

10. *Old Adam*

11. *Back Jack*

Бу шаклдаги боғланиш тури ўзбек тилида битишув усулига мос келади.

с) Noun + noun шаклидаги ОКФТБлар:

1. *Aunt Sally*

2. *Cassandra warnings*

3. *Mother Bunch*

4. *Mother Hubbard*

5. *Miss Molly*

6. *Miss Nancy*

7. *Brother Jonatan*

д) Participle + Proper noun шаклидаги ОКФТБлар:

1. *Peeping Tom*

2. *Doubting Thomas*

е) Nouns conjunction and + nouns шаклидаги ОКФТБлар:

1. *Brown, Jones and Robison*

2. *David and Jonathan*

3. *Dr. Lekill and Mr. Hyde*

4. *Jack and Jill*

5. *John doe and Richard Doe*

6. *Castor and Pollux*

7. *Darby and Joan*

Тенг боғланиш усулига мос келади.

ф) Adjective + as + Proper Noun шаклидаги ОКФТБлар:

A Proud as Lucifer

1. *Poor as Job*

2. *Old as Adam*

3. *Wise as Solomon*

д) Noun + of + Proper Noun шаклидаги ОКФТБлар:

1. *Daughter of Jesebael*

2. *Bull of Bashan*

3. *Bed of Procrustes*

4. *Tormenta of Tantalus*

5. *Vicar of Bras*

6. *Labour of Hercules*

7. *Thread of Adrian*

8. *Knight of the Ruetue Countenance*

Гап шаклидаги ономастик фразеологик бирликларнинг структуравий таҳлили.

1. *Daniel come to judgement*

Морфологик жиҳатидан бу куйидагича таҳлил қилинади:

Proper Noun + verb + (to) prepositional object.

2. *Rob Peter to Pay Paul.*

Морфологик жиҳатидан бу куйидагича таҳлил қилинади:

Verb + Proper Noun

Indefinite Infinitive + Proper Noun

Синтактик жиҳатидан эса бу гап содда ёйиқ гап.

Extended simple sentence.

3. *Queen Ann is dead!*

Морфологик жиҳатидан:

Proper Noun + Linking Verb + Adjective

Синтактик жиҳатидан эса содда ёйиқ гап.

Extended, simple sentence.

4. *What will Mrs Gundy say?*

Морфологик жиҳатидан бу куйидагича таҳлил қилинади:

Interrogative Pronoun + Auxiliary Verb + Prop[er Noun + Verb

Синтактик жиҳатидан эса содда ёйиқ гап, сўрок гап Unextended, simple sentence. Interrogative/sentence.

5. *Let George do it!*

Морфологик жиҳатидан бу куйидагича таҳлил қилинади:

Verb + proper Noun + Verb + Pronoun

Синтактик жиҳатидан эса содда ёйиқ гап.

Extended, simple sentence.

6. *When Queen Ann was alive!*

Морфологик жиҳатидан бу куйидагича таҳлил қилинади:

Conjunction + proper Noun + Verb + Adjective Синтактик жиҳатидан ёйиқ гап.

Жами 72 та, ономастик компонентли фразеологик турғун бирикмалар структуравий таҳлил қилинади. Шулардан,

Proper Noun + („s) + Common Noun шаклидаги ОКФТБлар – 21 та

Adjective + Proper Noun шаклидаги ОКФТБлар – 15 та

Noun + Noun шаклидаги ОКФТБлар – 9 та

Participle + Proper Noun шаклидаги ОКФТБлар – 2 та

Noun + Conjunction + Noun шаклидаги ОКФТБлар – 7 та

Adjective + as + Proper Noun шаклидаги ОКФТБлар – 4 та

Common Noun + of + Proper Noun шаклидаги ОКФТБлар – 8 та

Гап шаклидаги ОКФТБлар – 6 тани ташкил қилади.

2.3 Ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг

семантик тахлили.

Инглиз тилидаги ономастик компонентли фразеологик бирликлар маъносига кўра куйидагича тахлил қилинади:

киши шахси ёки касбини билдирувчи ОКФТБлар:

Brown, Jones and Robinson (простые, рядовые англичани) оддий инглиз солдатлари.

Jack – leg Lawyer – адвокат, бредущийся за сомнительное дело – шубҳали ишлар билан шуғулланувчи адвокат. Ушбу фразеологик бирликнинг келиб чиқиши XVII яшаган инглиз адвокатининг номи билан боғлиқ.

Merry Andrew – хазилкаш, шут, вигляр, масхаробоз. Ушбу фразеологик бирлик кирол Генрих IVнинг масхаробози номи билан боғлиқ.

Mother Bunch – гадалка, фолбин (XVI асрда яшаган машхур фолбин номидан келиб/чиққан).

Job's comforter – горе утешитель, таскин бериш ўрнига ваҳима килувчи. Ушбу фразеологик бирликнинг келиб чиқиш тарихи авлиё Аюб номи билан боғлиқ. Библияда авлиё Аюбнинг бошига тушган кулфатлар ҳақида хикоя қилинади. Авлиё Аюб номи билан бир канча фразеологик бирликлар мавжуд.

-ҳолатни, вазиятни билдирган ОКФТБлар:

Augean Stable(s) – авгиевы конюшни, запущенное загрязненное место. Авгиев отхонаси, жуда ифлос жой.

-to go Dary Jones's locker – морской жаргон, = утонуть, пойти на дно, умереть в плавании, чўкиб ўлиш.

-Homeric Laughter – гомерический хохот, неудержимый громовой хохот; тўхтатиб бўлмас кулгу, ўзини тўхтатаолмай хоҳолаб кулиш, гулдурос кулгу, Гомер кулгуси. Ушбу фразеологик бирлик адабий манбаага тегишли бўлиб, асар кахрамонининг хоҳолаб кулиши кейинчалик

шундай кулгуни ифодоловчи фразеологик бирлик келиб чиқишига сабаб бўлган.

Хусусиятни билдирувчи ОКФТБлар:

-Doctor Fell – человек вызывающий к себе невольную антипатию; совок одам. Ушбу фразеологик бирлик ҳам шеърдан олинган бўлиб, муаллиф унда ўзига совок муносабатда бўлган шифокорни мазах қилиб болалар учун шеър яратган.

-David and Jonathan – Давид ва Жонатан, неразлучные друзья; ажралмас дўстлар. Библияда Девид ва Жонатан дўстлиги энг улуғ нарса сифатида талкин қилинади. Ушбу фразеологик бирлик мустақкам дўстлик тушунчасини ифодалаш учун хизмат қилади.

-The daughter of Jezebel – преступная, наглая женщина, (библия); такаббур жиноятчи (гунохкор) аёл.

-The faithful Adam – верный, старый слуга; содик хизматкор. (Шекспир комедияси персонажи номидан олинган).

-Dr. Jekyll and Mr. Hyde – человек воплощающий в себе два начала (добро и зло). Ушбу фразеологик бирлик Стивенсом асари персонажи номи билан боғлиқ бўлиб, ўзида икки хил хусусият - эзгулик ва ёвузликни мужассам қилган инсонлар учун ишлатилади.

-Honest Abe – честный Эйб (прозвище Линкольна) ҳаққоний, ҳақгўй инсон (ҳақгўй Эйб, президент Линкольнинг тахаллуси номи билан боғлиқ).

-Jobis Post – человек приносящий дурные новости (этимол. библия), ёмон хабар келтирувчи шахс. Библияда хикоя қилинишича, Худо бандаси Аюбни синаш мақсадида унинг бошига мислсиз фалокатларни ёғдиради. Унинг дўстлари доим ундан ахволи ҳақида ёмон хабар эшитишади. Мазкур фразеологик бирликнинг келиб чиқиши ҳам авлиё Аюб номига бориб тақалади.

-PaulPty – человек сунущий нос в чужие дела; бировнинг ишига аралашувчи одам.

Нарса, буюм номини билдирувчи ОКФТБлар:

- *Alladin's lamp* – волшебная лампа Аладдина (талисман выполняющий все желания своего владельца), Алоуддиннинг сеҳрли чирог (эгасининг барча хошиш ва тилакларини бажо қилувчи тилсимот). Эртак қаҳрамонни номи билан боғлиқ бўлган ушбу фразеологик бирликда Алоуддин сеҳрли чирок кули жиннинг ёрдамида барча орзуларига эришади.

- *Wear Joseph's coat* – не поддаваться искушению; гунохга ботмаслик. васвасага тушмаслик. Юқоридаги фразеологик бирлик ҳам библиядан олинган бўлиб авлиё Юсуф номи билан боғлиқ.

Исон характерини ифодоловчи ОКФТБлар:

Achille's Heel - инсон характеридаги заиф, нозик хусусият; ахиллессова пята, единственное уязвимое место. Ушбу фразеологик бирлик ҳеч қандай камчилиги бўлмаган Ахилла номи билан боғлиқ. Унинг биттагина айби у жангда товонидан яраланган бўлади.

Peepibg Tom – хаддан ташқари кизиқувчан; чересчур любопытный человек (афсонавий Мерсил граф Ковентри аҳолисига хаддан ташқари оғир солиқ солади. Шунда графнинг хотини Леди Годива халқнинг ёнини олади. Жахли чиққан граф агар Леди Годива куппа-кундузи бутун шаҳар бўйлаб яланғоч юра олишга журъат қилса, солиқни бекор қилишини маълум қилади. Леди Годивани уялтирмаслик учун шаҳарнинг барча аҳолиси уйларининг барча эшик ва тирқишларини ёпиб олишади, биргина тикувчи Томгина ўзини мўралаб қарашдан тия олмайди ва ўша заҳоти кўр бўлиб қолади).

Doubting Thomas – Фома неверный, неверующий (библия); бировга ишонмайдиган. Библияда хикоя қилинишича, пайғамбар Исонинг умматларидан бири Фома Исонинг сўзларига доим далил – исбот талаб қилар эди. Бу фразеологик бирликнинг келиб чиқиши ана шу кисса билан боғлиқ.

Кийим – кечакни ифодоловчи ОКФТБлар:

Mother Hubbard – длинная женская одежда; узун аёллар кийими.

Prince Albert (Coat) = *Prince Albert* - дополнительный сюртук; (Киролича Викториянинг эри шахзода Алберт 1860 йилдаги Америкага таширифта узун сюртук кийган эди).

See that fellow coming in there? – asked Hurstwood, glancing at a gentlemen just entering, arrayed in a high hat and Prince Albert coat (Th. Dreiser, "Sister Garrie, ch V").

Душ эътиқодни ифодоловчи ОКФТБлар:

By George! – боже мой! Честное слово!, Черт возьми!; (хайратни ифодоловчи хаяжон), (Георгий Англиянинг раҳнамоси ҳисобланади).

For the love of mike = *Ради бога! Худо хаққи!*

By Jesus Wept! или Jumping Jesus! *Боже мой!, Э худойим!, Ё танграм!*

By Jesus! Look, what's arrived! (R. Aldington, "Rejected Guest", ch 17). *Э худойим! Қаранглар ким келибди!*

Бирор воқеа, ҳодиса, нарса номига ишора қилувчи ОКФТБлар:

- *Lynch law* – закон или суд Линуча, самосуд, зверская расправа без суда и следствие; линч қонуни, суди, (линч суди ёки қонуни, ҳеч қандай судсиз, терговсиз ўзича ваҳшиёна судлов).

- *Dragonian laws* - *драконовы законы*, суровые законы (по имени Дракона – легендарного греческого законодателя VII в. д.н.э.).

- *St. John's evil* – эпилепсия, тутқанок касаллиги.

- *Pandora's box* – Ящик Пандоры (этим. миф) источник всяческих бедствий; ҳар хил фалокатлар қутиси, Пандора қутиси.

III-боб. Фразеологик бирикмаларда ифодаланган контекстуал лексик маъно турлари.

3.1 Лексик маънонинг ривожланиши (кенгайиши).

Лексик маъно тилнинг тараққиёти давомида ҳам сифат, ҳам микдор жиҳатидан ўзгаради [17.36]. Шу асосда лексик маъноларни ҳозирги лексик маъно ва аввалги лексик маъно деб икки гуруҳга ажратиш мумкин. Тилнинг ўтмиш тарихий босқичига хос, ҳозирги луғат бойлиги таркибида қатнашмайдиган лексик маъно аввалги лексик маъно дейилади. Аввалги лексик маъно икки хил бўлади:

1. Эски лексик маъно
2. Этимологик лексик маъно

Эски лексик маъно тарихий лексикологияда ўрганилади. Ҳозирги лексик маънони ўрганувчи соҳа тасвирий лексикология дейилади. Тил тараққиётининг ўрганилаётган босқичига хос лексик маъно ҳозирги лексик маъно дейилади. Ҳозирги лексик маънолар бош маъно ва ҳосила маъно, тўғри маъно ва кўчма маъно, номинатив (номловчи) маъно ва фигурал (мажозий) маъно деб бир неча нуктаи назардан тасниф қилинади. Бу таснифлар бири иккинчисини истисно қилмайди, балки айтиб берилган ҳар хил ёндашишни кўрсатади. Лексик маънонинг юқоридагича турлари полисемантик лексемалар асосида белгиланади. Лексик маънолар системасида, аввало бош маъно ва ҳосила маъно фарқ қилинади [47.65].

Бошқа бир лексик маънонинг юзага чиқиши учун асос бўлган маъно бош маъно дейилади. Бош маънонинг тараққиёти билан юзага чиққан лексик маъно ҳосила маъно дейилади. Лексик маънолари системасидаги бирламчи лексик маъно тўғри бош маъно дейилади. Ўзидан кейинги лексик маънонинг тараққий этиб чиқиши учун асос бўлган ҳосила маънонинг тараққий этиши дейилади. Масалан: *open* лексемасининг бош маъноси – “not closed”. Масалан, *open the door, to open the book*. Куйидаги маънолар шу бош маънодан тараққий этиб чиққан ҳосила маънолардир.

1) *to speak openly* («тушунарли қилиб», «аниқ» «яширмай»);

2) *очиқ одам* («хушимомала»);

3) *очиқ бўғин* («унли билан тугаган»), *open – minded*.

Баъзи ҳолларда лексеманинг тўғри бош маъноси аслида ҳосила маъно бўлиб чиқади. Бундай лексеманинг аввалги маъноси унутилиб, этимологик маънога ёки эски маънога айланган бўлади.

Лексик маънолар яна тўғри маъно ва кўчма маъно деб ҳам иккига гуруҳланади. Лексеманинг бош лексик маъноси одатда тўғри маъно бўлади.

Ҳосила маъно одатда кўчма маъно бўлади.

Маънони кўчириш асосида ётган образ сўниши, унутилиши мумкин. шунга қарамай бундай маъно кўчма маъно деб қаралаверади. Масалан, *leg of the table*.

Лексик маъно (номинатив (номловчи)) маъно ва фигурал (мажозий) маъно деб ҳам фарқ қилинади. Масалан, *key* – (кулфнинг калити – номинатив маъно (очик) *key of the knowledge* фигурал маъно.

Номинатив маъно бирор нарса белги ёки ҳаракатнинг номи бўлиб хизмат қилувчи лексик маънодир. Номинатив маъно воқелик билан бевосита боғланади. Фигурал маъно образлилик, мажоз ҳосил этиш учун хизмат қилади.

Фигурал маъно баъзан худди номинатив маънодек гаўдаланади. Шу маънони англатувчи лексема (номинатив маъно) бўлмайди, топилган изох ҳам бирор лексеманинг фигурал маъноси бўлиши мумкин [44.89].

Лексеманинг тўғри бош маъноси номинатив маъно бўлади. Ҳар бир лексемада тўғри бош маъно битта, аммо номинатив маъно бир нечта бўлиши мумкин. Чунки номинатив маънони белгилашда воқелик билан бевосита боғланишнинг мавжуд бўлиши, шу маъно воқеликнинг номи бўлиши шарт қилиб қўйилади. Бу талабга тўғри бош маънодан ташқари ҳосила маъно ҳам жавоб бериши мумкин.

Ҳар бир мустақил лексема номинатив маъно англатади. Шу билан бирга, номинатив маъно унутилади ҳам. Номинатив маъноси унутилган,

йўқолган лексема жуда тор лексик контекстли бўлиб, маълум бир лексема куршовида келади. Натижада бу лексеманинг лексик маъноси шу контекст доирасидагина изоҳланади.

Номинатив маъноси сўнган лексемалар асосан эскирган лексемаларга, ясалиш жиҳатидан боғланишини йўқотган лексемаларга тўғри келади: *сунлюк (буйсунлюк – буйин сунлюк)* каби.

Тил тарихига, жамиятнинг моддий бойлик тарихига асосланиб туриб, шунингдек, лексеманинг асл морфемик тузилишидан келиб чикиб тикланадиган лексик маъно этимологик лексик маъно дейилади. Буни тикланувчи маъно деб ҳам номлаш мумкин.

Этимологик лексик маъно ҳақида гапириш учун маълум бир лексик маъно тараққиётга учраб, аввалги лексик маъносини йўқотган бўлиши ва бу йўқолган лексик маънони тил тарихи асосида, жамият тарихи асосида тиклашга имконият мавжуд бўлиши керак. Бундай лексема қисман туб, кўпинча ясама бўлади.

Этимологик лексик маънони тиклаш туб лексемалага нисбатан ясама лексемаларда анча енгил бўлади. Чунки ясама лексема таркибидаги лексема билан морфема этимологик маънони озми – кўпми кўрсатиб туради.

Лексик контекст. Полисемантик лексеманинг ҳар бир лексик маъноси маълум семантик доирага мансуб лексемалар билан боғланиш жараёнида намоён бўлади. Лексик маънонинг намоён бўлишида зарур шароит бўлиб хизмат қилувчи бундай лексемалар лексик контекст дейилади.

Масалан: *a cut – n.*

1. *Act of cutting, stroke with a sword, result of such a stroke, a deep cut in the leg, cuts on the face after shaving.*

2. *Reduction in size, amount, length etc. A cut in prices (salaries a cut in production; verb: to cut the meat); Cut лексемаси stroke, deep*

сифатларига, *in prices, in production, meat* лексемаларига боғланиб келади[53.44].

Кўринадики, ҳар бир лексик маънонинг ўз лексик контексти бор. Бундай лексик контекст баъзи маънода кўпроқ лексемадан, баъзи лексик маънода эса озроқ лексемадан ташкил топади. Шу асосда кенг лексик контекст ва тор лексик контекст бўлади.

Семантик боғланиш. Ҳар қандай синтактик боғланиш асосида семантик боғланиш ётади. Синтактик боғланиш ҳам, семантик боғланиш ҳам айна вақтда полисемантик лексеманинг айрим-айрим лексик маънолари бўйича амалга ошади. Ўзаро синтактик алоқага киришувчи лексик маъноларнинг семалари таркибида бир-бирига зид мазмунли семалар бўлмаслиги лозим.

Семантик боғланувчи лексик маънолар таркибида умумий (бир хил) сема бу лексик маъноларнинг семантик боғланишининг ва бир – бири учун яқин лексик контекст бўлиб келишини таъминлайди.

Сема. Лексема тил бирлигининг, лексик бирликнинг номи. Лексеманинг мазмун плани семема деб юритилади. Лексеманинг мазмун планида асосий ҳодиса – лексик маъно; айна вақтда услубий баҳо семаси, туркумлик семаси ҳам ҳисобга олинади. Демак, семема билан лексик маъно тушунчалари тенг эмас. Бундан ташқари, кўп маъноли лексемада ҳар бир лексик маъно ўзича лексик контекстга эга бўлади, ҳар бир лексик маъно грамматик табиатига кўра ҳам фаркли бўлиши мумкин.

Ҳар бир лексик маънонинг ўзига хос хусусиятлари сифатида услубий семаси билан фарқ қила олиши, синонимик муносабатга, антономик муносабатга кириша олинishi, янги лексема ҳар бир лексик маънодан ясалишини ҳам таъкидлаш лозим. Агар лексема бир маъноли бўлса, юқоридаги белги хусусиятлар лексемага муносиб бўлади ва бундай лексема бир тил бирлигига (лексик бирликка) тенг деб қаралади. Агар лексема кўп маъноли бўлса, бу белги хусусиятлар ҳар бир лексик маъно бўйича айрим-айрим мавжуд бўлади. Бунда ҳар бир лексик маъно ўзича

тил бирлиги (лексик бирлик) деб қаралади. Асли ана шундай бирлик семема дейилади.

Луғавий маънонинг тараққий этиши, ривожланиши фраземаларга ҳам хос. Ҳозирги ўзбек тилидаги фраземаларда луғавий маъно асосан метафора йўли билан кўчириш натижасида тараққий этган. Масалан, “кўнглига тегмоқ” фраземаси «ёқмай колмоқ» маъносини англатади.

Инглиз тилидаги фраземалар эса метофора, метонимия, гипербола, ўхшатиш, перифраз йўллари билан кўчириш натижасида тараққий этган. Масалан, *a long duck, in a nutshell* (метафора), *maiden speech* (эпитет), *black frost* (перифраз).

Мисоллар: *Kitty was not crying now. She was dry-aged, calm and though his voice was loud it was steady. “Do you want me to go?” “It’s Hobson’s choice isn’t it?” (no choice at all because there is only one thing to take or do). (S. Maugham)*

Бир фраземага хос маънонинг тараққиёт натижасида фразеологик маънонинг микдори ўзгаради. Бир фразеологик маъно асосида иккинчи фразеологик маънонинг туғилиши икки хил ҳодисага – полисемияга ёки омонимияга сабаб бўлади [57.98]. Фразеологик маънонинг тараққиёти билан туғилган омонимия жуда оз. Фраземаларнинг кўпи моносемантик характерга эга. Масалан, “*a labour of Hercules*” «хаддан ташқари оғир меҳнат» маъносини англатади.

Полисемантик фраземалар ҳам анчагина бўлиб, уларнинг кўпи икки ва уч маънолидир. Масалан, инглиз тилидаги “*Clean State*» фраземаси:

1. Ёмон одатларни ташлаб, янгидан ҳаёт бошлаш
2. Эски қарзлардан қутилиб, ҳаммасини янгидан бошлаш маъносини англатади.

Фразеологик полисемия деганда фраземанинг ўзи икки ва ундан ортиқ луғавий маъно англатиши тушунилади. Ўзаро шаклан ўхшаш эркин боғланмадан ва фраземадан англашиладиган маънолар бир нуктага бирлаштирилиб, полисемия деб қаралмайди. Чунки булар ҳар хил

ходисалардир: эркин боғланма – матн бирлиги, фразема – тил бирлиги. Эркин боғланма билан фраземанинг шаклан тенг келиши ҳодисаси омонимлик деб юритилади. Масалан, инглиз тилидаги *Turn the tables* – яъни *вазиятни ўзгартирмоқ* маъносидаги фразема ҳам мавжуд.

Фраземанинг луғавий маъноси бирдан ортиқ бўлса, худди лексемаларда қилингандек, бош маъно ва ҳосила маъно белгиланади: масалан, инглиз тилидаги *Call the shots* фраземаси *to be in control* яъни *назорат қилмоқ* ёки *to give orders* “*бошқармоқ, буйруқ бермоқ*” маъноларини англатади. Биринчиси – бош маъно, иккинчиси – шундан ўсиб чиққан ҳосила маъно.

Лексемада бош лексик маъно, одатда тўғри маъно бўлади. Фраземада эса бош фразеологик маъно кўчма маъно бўлади. Чунки фраземанинг бош маъноси ҳам ҳосила маъноси каби, устама кўчма маъно тарзида гавдаланади, маълум образга асосланади. Демак фраземанинг табиати тўғри маънони истисно қилиб қўяди.

Фразеологик маънолар ҳам, худди лексик маъноларда бўлганидек, ўзига хос контекстда номоён бўлади. полисемантик фраземанинг маънолари ўзаро луғавий маъносидан ташқари, лексик контекстида, грамматик табиатида фарқланади: “*ютқизмоқ*”, “*йўқотмоқ*”, “*беҳуда, бефойда ўтказмоқ*”, “*ошқор қилмоқ*”.

Ҳар уч маъно турлича лексик контекстда номоён бўлади. Биринчисида киморни, иккинчисида вақтни, учинчисида эса сирни англатувчи лексема билан ишлатилади. Бу фраземанинг луғавий маъноларида лексик контекст фарқи, аммо грамматик табиат бир хил.

Фразосемема. Семема термин билан факат лексеманинг мазмун плани номланмай, фраземанинг (шунингдек, морфеманинг) мазмун плани ҳам номланаётир. Бу уч хил бирлигига хос семемаларни лексосемема, фразосемема ва морфосемема деб фарқлаш мумкин.

Худди лексемаларда бўлганидек, фразема бир маъноли бўлса, у тил бирлигига (бир фразеологик бирликка тенг) бўлади. Агар фразема

полисемантик бўлса, унинг ҳар бир фразесемемаси ўзича алоҳида тил бирлигига (алоҳида фразеологик бирликка тенг) бўлади, чунки худди лексемаларда бўлганидек, ҳар бир фразосемена ўзига хос луғавий мундарижага (идеографик семалар йиғимига) эга, ўрни билан хос услубий (эмоционал экспрессив) семага эга бўлади. Булардан ташқари, ҳар бир фразосемеманинг ўзига хос лексик контексти, грамматик табиати бўлиши мумкин. Ҳар бир фразосемена мустақил равишда бошқа луғавий бирлик (фразеологик, лексик бирлик) билан синонимик, антонимик муносабат ҳосил этиши мумкин.

Луғавий бирликларни яхлитлигича бир системага бирлаштириш кийин. Шунга қарамай, луғавий бирликлар турли мезонлар асосида ҳар хил гурухланади, системаларга бирикади.

Луғавий бирликларнинг энг йирик семантик гурухланиши деганда тематик гурухларга бирлаштириш тушунилади. Том маънодаги лингвистик гурухлаш деб тематик гурух таркибида ажратилувчи лексик – семантик гурухларга айтилади. Тематик гурухлардан фаркли ҳолда, лексик-семантик гурухлаш луғавий бирлик англатадиган маънога суянади, яъни интралингвистик фактор асосида амалга оширилади. Иккинчидан лексик-семантик гурухлаш фақат от туркуми билан чекланмай, бошқа туркум лексемалари бўйича ҳам амалга оширилади. Масалан, сифат лексемалар ранг-тус билдирувчи сифатлар, таъм – маза билдирувчи сифатлар каби лексик-семантик гурухларга бирлаштирилади.

Тил бирликларини синонимлар, антонимлар деб бирлаштириш – семантик системалаш лексик семантик гурухлашда охириги гурухланиш ҳисобланади ва семантик микросистема деб юритилади.

3.2 Контекстуал синонимия ва унинг хусусиятлари.

Тил бирликларининг айна бир маънони англатиши асосида гурухланиши синонимия дейилади.

Синонимия икки ва ундан ортиқ тил бирлигининг ўзаро маъно муносабати асосида тугилади. Бундай муносабатда қатнашувчи бирликларнинг миқдорини чеклаб бўлмайди [54.198]. Иккинчидан, бу тил бирликлари ўз ичда мунтазам бир системани ташқил этади. Шу хусусиятларни ҳисобга олиб, синонимия муносабати ҳосил этувчи тил бирликлари бири иккинчисига нисбатан синоним дейилади. Синонимлар жамланган ҳолда синонимия қатори деб юритилади.

Синонимия луғавий бирликларда ҳам грамматик бирликларда ҳам мавжуд. Шунга кўра синонимия икки хил:

1. Луғавий синонимия – луғавий бирликларнинг ўзаро синоним бўлиши: масалан, *Heaven, future state, eternal blessedness, eternity, Paradise, Eden, promised land, Golden Age, Utophiya, Millenium*.
2. Грамматик синонимия – грамматик бирликларнинг синоним бўлиши: -яп, -ётир, (ўқияпман, ўқиётирман) каби.

Луғавий синонимия уч хилтарзда намоён бўлади:

1. Лексик синонимия – лексик бирликларнинг ўзаро синоним бўлиши: *cunning, crafty, deceitful, underhand, roguish, mischievous.....*
2. Фразеологик синонимия – фразеологик бирликларнинг ўзаро синоним бўлиши: *Between a rock and a hard place. Between the devil and the deep Blue Sea, in a bind.*
3. Лексик фразеологик синонимия – лексия бирлик билан фразеологик бирликнинг ўзаро синоним бўлиши:

Осонгина, ҳамирдан қил сугургандай каби.

Лексемаларнинг айна бир маънони англатиши асосида гурухланиши лексик синонимия дейилади. Масалан, *ridiculous, laughable, proposterous* лексемалари айна бир маънони англатади.

Лексик бирликларнинг айнаи бир маънони англатишини маънода тенг келиш деб тушуниш ярамайди. Ҳар бир синоним, ушбу синонимия катори учун умумий маъно ўзагидан ташқари, ўзига хос маъно киррасига, услубий баҳосига кўра, матний хосланиш белгисига кўра (бир ёки бир неча жиҳатдан фарк қилади). Агар лексик бирликлар ҳар жиҳатдан тенг келаса, улар ўзаро фарк қилмаса, лексик дублет деб қаралиши мумкин.

Лексик дублетлар жуда кам учрайди. Буни иккинчисининг айнан нухаси бўлгани сабабли, бундай лексик дублетлардан бири ортиқча ҳисобланади, шунинг натижасида булардан бири тилда ўзок яшамайди. Демак, лексик дублетларга ўткинчи ҳодиса сифатида қараш мумкин.

Лексик синонимияга, асосан уч нуктаи назардан ёндашилади: маъно кирраси жиҳатидан, услубий баҳо жиҳатидан, матний хосланиши белгиси жиҳатидан. Бундай ёндашув бири иккинчисини истисно қилмайди, балки айнаи бир ҳодиса турли жиҳатдан баҳоланади. Чунки бир синонимия каторини ташкил этувчи бирликлар айнаи вақтда ҳар уч жиҳатдан ёки икки жиҳатдан, ҳатто бир жиҳатдан ҳам фарк қилиши мумкин.

Синонимлар ўзаро маъно кирраси жиҳатидан фарқланиб турса, маъно синонимлари (идиографик синонимлар) дейилади. Масалан, *wrong, bad, sinful, grievous, wicked, vicious, reprehensible, hurtful* лексемалари синоним, айнаи бир маънони англатади, маъно ўзани кенг, аммо бу лексемалар ўзаро лексик маъно киррасида фарқланади. Масалан, *wrong idea, bad idea, sinful idea, hurtful idea* боғланишларининг ҳар бирида фикрнинг чин, тўғри эмаслиги англатилади, аммо *wrong idea* га нисбатан *sinful idea* дейганда айбни кучайтиради.

Умуман синонимлардаги бундай фарқланиши бир маъно ўзани доирасида бўлиши керак. акс ҳолда маъно ўзани ўзгарса, синонимия йўқолади. Демак, синонимия учун лексик маънолар орасидаги умуман яқинлик етарли эмас, лексик ўз маъно киррасида фарқлана туриб, маъно ўзаги, маъно ўзаки тенг бўлсагина синонимия ҳосил бўлади. Масалан,

value, worth, prize, cost, estimation, usefulness лексемалари маъно жиҳатидан ўзаро фарқланади. Ҳар бир лексемада маъно ўзани тенг.

Қуйидаги муносабат ҳосил этувчи лексик бирликлар ўзаро синоним деб қаралмайди:

1. “Тонфа, жинс” тушунчасини англатувчи лексема (семема) билан “тур” тушунчасини англатувчи лексема (семема). Масалан, *house* лексемаси, *room, shelter* каби лексемаларга синоним бўла олмайди, чунки *house* лексемаси “жинс, тонфа” тушунчасини, қолганлар “тур” тушунчасини англатади.

2. Тур тушунчасини англатувчи лексемалар (семемалар) ҳар хил маънони англатса, масалан, *bag, case, container, sack, pouch* лексемаларининг барчаси маълум бир умумий тушунчани англатса ҳам, сумка бошқа-ю, чемодан бошқа, рюкзак бошқа.

Синонимлар ўзаро услубий баҳо жиҳатидан фарқланса, услубий синоним дейилади. Ҳар бир синонимия катори, одатда: а) услубий баҳо семани бетараф лексик бирликни ва; б) услубий баҳо семаси баргараф бўлмаган лексик бирликни ўз ичига олади. Масалан: *to laugh, guffaw, giggle, titter, chuckle* синонимия каторида *Laugh* лексемаси бетараф, қолганларида эса услубий баҳо бўртиб туради.

Синонимларда услубий баҳо икки хил бўлади:

2. ижобий: *to smile, to grin, to simper* лексемаларидаги каби
3. салбий: *to laugh, chuckle* каби.

Лексемаларни танлаб ишлатишда синонимларнинг фақат маъно хусусиятларигина эмас, балки услубий баҳо семасига ҳам эътибор берилади. Чунки услубий баҳо шу лексема (семема) англатаётган воқеага сўзловчининг муносабатини билдириб туради. Синонимлар ўзаро матний ҳосиланинг белгиси жиҳатидан фарқланса, матний синонимлар дейилади.

Матний синонимлар қуйидагича муносабатларда воқе бўлади:

1) Умум матн лексемаси (матннинг барча кўринишларида англашилаверадиган лексема) матн лексемаси орасида: *light* - умумматн лексемаси, *bean, ray* - бадий матн лексемаси.

2) Умумматн лексемаси билан сўзлашув матни лексемаси орасида: *to begin bring about, get off. Child - kid.*

3) Умумматн лексемаси билан расмий матн лексемаси орасида: *food - provision, money - cash notes.*

4) Сўзлашув матни лексемаси билан бадийматн лексемаси орасида: *kid-infant, jail-penitentiary.*

Юқорида синонимия қаторига уч жихатдан ёндашилади:

1) маъно кирраси жихатидан;

2) услубий баҳо жихатидан;

3) матний хосланиш жихатидан. Шу тавсифлар асосида синонимия қаторининг вақили белгиланилади. Синонимия қаторидаги бош вақилга доминанта дейилади.

Доминанта деб, одатда синонимия қаторидаги лексик мундарижаси барча синонимлари унун умумий, услубий баҳоси бетараф, умумматнга хосланган бирлик тавланади. Масалан, *to laugh, giggle, titter, chuckle* синонимия қаторида *laugh* лексемаси доминанта. Доминантани белгилаб олиш синонимия луғатини тузиш ишида катта аҳамиятга эга. Чунки синонимия қатори англаган маъно шу доминанта асосида таърифланади, сўнгра шу синонимия қаторидаги ҳар бир синонимнинг ўзига хос маъно кирраси, услубий баҳо семаси, матний хосланиш белгиси каби хусусиялари баён қилинади.

Фраземаларининг айни бир маънони англатиши асосида гуруҳланиши фразеологик синонимия дейилади. Масалан, *lose one's temper, lose one's cool, blow one's slack, fly off the handle, see red, hot under the collar* фраземалари айни бир луғавий маънони, яъни бирданга жаҳли чиқмоқ тушунчасини англатади. Масалан:

The children's mother was tired of asking them to pick up their toys.

Finally she lost her temper and yelled at them. (S. Maugham)

Фразеологик синонимия ҳам уч жихатдан баҳоланади:

А) маъно кирраси жихатидан;

Б) услубий баҳо жихатидан;

В) матний хосланиш жихатидан.

Фразеологик бирликларда абсолют синонимия (фразеологик дублет) бўлмайди.

Фразеологик синонимлар кўпинча маъно синонимлари (идеографик синоним) бўлади. Фразеологик синонимларда услубий баҳо ҳам сезилиб туради. Асли фразеологик бирликлар худди шу мақсад билан воқеликни номлашда уни ўткир баҳолаб бериш учун ижобий ёки салбий муносабатни яққол ифодалаш учун яратилади. Масалан, *file the bill, hit the spot* (фраземалари) синонимларининг ҳар иккисида ҳам услубий баҳо жуда кучли сезилиб туради.

Фразеологик синонимлар матний хосланиш жихатидан у қадар ранг-баранг эмас: асосан, сўзлашув матнига ва қисман бошқа матн кўринишларига хосланган бўлади. Масалан, *resign one's being or life* фраземаси бадий матнга, *kick off, ёки turn up one's toes* фраземалари сўзлашув матнига хос. Буларнинг иккиси ҳам "ўлмоқ" маъносини англатади.

Синоним фраземаларни бир фраземанинг вариантлари билан қориштирмаслик керак, масалан "eat crow", "eat Humble pie" мисоллари ўзаро бир фраземанинг вариантларидир. Бир лексик компонентнинг алмашинуви билан фраземанинг маъноси кучая боради:

2. *Roger told his daughter that he didn't believe her when he found out he was wrong and she right, he had to eat crow and admit his mistake. (S. Maugham)*

3. *Cathy laughed at herself when she realized she was wrong and spoken too quickly. "I jump to the wrong conclusions so often, I am always eating humble pie", she said. (Ibid.)*

Фразема (фразеосемама) билан лексемсма орасидаги синонимия лексик фразеологик синонимияси дейилади. Лексик фразеологик синонимия лексема доминанти бўлади. Ҳар бир лексемага фразеологик синоним ахтариш бефойда. Аммо кўпчилик фраземаларнинг лексик синоними бўлади. Масалан, *achille's heel* фраземаси "одамдаги нозик жой, заиф хусусият" лексемалари билан, *Alnaschars' dream* фраземаси "қурук ҳаёл" лексемалари билан синонимия ҳосил қилади.

Лексик - фразеологик синонимияда фразепада ўз маъно киррасига кўра, шунингдек, услубий баҳосига кўра ўз синоними бўлган лексемадан кескин фарқ қилади. Ниманидир фразема билан англатиш, одатда лексема билан англатишга қараганда таъсирчан бўлади.

Синонимия муносабати:

А) бир тилнинг ўз лексемалари орасида бўлади. Бу ҳар бир тилнинг ўз тараккиёти билан боғлиқ асосий ҳолатдир. Масалан, *To speak to, to talk to* ёки *to tell, to say* кабилар инглиз тилининг ўз материалидан таркиб топган синонимия қаторларидир;

б) ўз лексема билан ўзлашма лексема орасида фарқ бўлади. Масалан, *pass the Rubicon – passer le Roubicon* (инглизча-французча);

в) ўзлашма лексемалар орасида ҳам воқе бўлади.

Фразеологик синонимлар одатда шу тилнинг ўзиники бўлади. *A black sheep, Big Ben, rob Peter, to pay Paul, an aunt Sally* каби. Чунки фраземаларда миллий колорит кучли бўлиб, фраземаларни ўзлаштириш (айниқса синонимияга олиб келувчи ўзлаштириш) жуда оз учрайди. Синонимияга олиб келувчи ўзлаштириш деб *pay through the nose* фраземасини кўрсатиш мумкин. Бу фразема ўзбекча "бурнидан чиқармоқ" фраземаси билан синоним. Демак, синонимия а) шу тилдаги ўз луғавий бирликларнинг маълум маъно муносабатига киришувчи билан; б) луғавий

бирликлар билан ёки ўзаро маълум маъно муносабати ҳосил этиш натижасида пайдо бўлади.

Синонимия қаторидаги лексема тузилишига кўра турлича бўлади:

- Туб лексемалар орасида бўлади;
- Туб лексема билан ясама лексема орасида бўлади;
- Ясама лексемалар орасида бўлади.

Бунда яшаш асоси бўлган лексемалар ўзаро а) синоним бўлади, б) яқин маъноли лексемалар бўлади. Баъзан бир ўзакнинг ҳар хил кўринишларидаги ясаллишлар ҳам синонимия ҳосил этади.

Синонимия қаторидаги лексема ва фраземалар тилда тутган мавқеи жиҳатидан ҳам турлича бўлади.

1) умумтил бирликлар орасида бўлади: *answer, respond, reply* каби.

2) умумтил бирлиги билан диалектал бирлик орасида бўлади. *To eat, to cram, rich man - money bags*;

3) диалектал бирликлар орасида бўлади. *Smash, [hit], sleeper, fast track* булар "success" омад, муваффақият маъносини англатади.

Демак, синонимга умумтил нуктаи назаридан ёндашув билан адабий матннинг ўзи матн нуктаи назаридан ёндашув ўзаро фарқ қилади. Диалектал луғавий бирликлар адабий матн синонимиясининг бойиш манбаларидан биридир.

Шу ўринда эфмеизм туфайли воқе бўладиган синонимия муносабатини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим туюлади. Кўпол, ёмон таасурот колдирадиган лексема ва фраземани бундай хусусияти йўқ луғавий бирлик билан алмаштириш ҳодисаси эфмеизм дейилади. Масалан, *кар - қулоғи оғир, тугмоқ - кўзи ёриди, ўлмоқ - дунёдан ўтмоқ* каби.

Синонимия ва полисемия ўзаро узвий боғланган. Чунки синонимия лексемаларда лексик маънога, фраземаларда фразеологик маънога асосланади. Тўғридан-тўғри лексема билан лексема, фразема билан фразема, лексема билан фразема синонимияси ҳақида гапириш учун

синонимия муносабати ҳосил этувчи луғавий бирликлар бир маъноли бўлиши лозим.

Полисемантик лексемаларда ҳар бир семема бошқа бир лексема билан (агар у моносемантик бўлса) ёки семема билан (агар у полисемантик бўлса) синонимия муносабатига киришади. Масалан, *main* лексемаси бир семемасида *chief*, иккинчи семемада *principle*, учинчи семемасида *sheer* лексемаси билан ва ҳоказо синонимия муносабати ҳосил этади. Масалан, “асаби бузилмок”, “хафа бўлмок” маъносида ишлатилувчи *to be in a bad humour* фраземасининг бир семемасига *to be down in the mouth* фраземаси, иккинчи семемасига эса *to be in a low spirits* фраземасининг бир семемаси синоним бўлади.

Лексик маъно турлари жиҳатидан қараганда, синонимия муносабати бош (тўғри) маънолар орасида ва бош (тўғри) маъно билан ҳосила (кўчма) маъно орасида ва ҳосила (кўчма) маънолар орасида рўй бериши мумкин. Бу ҳол ҳам анчагина учрайди: *great, Big, enormous* каби.

Лексик қўллаш асосида, шунингдек, фразеологик қўллаш асосида синонимия ҳосил бўлмайди, чунки булар тил бирлиги деб эмас, матн бирлиги деб қаралади. Синонимия эса асли тил бирликлари орасидаги муносабатда туғилади, шунга кўра узувал синонимия деб юритилади.

Лексик маъно билан лексик қўллаш, фразеологик маъно билан фразеологик қўллаш орасидаги синонимик муносабат контекстуал синонимия деб номланиши мумкин.

Контекстуал синонимия ранг-баранг кўринишларга эга. Бундай синонимик муносабат ҳар гал матннинг ўзида воқе бўлади, шу аниқ матндан ташқарида ўз хусусиятини йўқотади[35.66].

Масалан: Шекспирнинг “Гамлет” асари ҳақида фикр билдирилганда ҳар гал Шекспир деб кайтаравериш услубий ғализлик келтириб чиқаради. Шу сабабли контекстуал синонимиядан кенг фойдаланилади: бир ўринда *writer* дейилса, иккинчи ўринда *dramatist*, учинчи ўринда эса *author* деб ишлатилади. Луғавий бирликлар сифатида *writer, author, dramatist*

лексемалари ўзаро синоним эмас, лекин контекст доирасида бу лексемалар ўзаро ва “Шекспир” атокли отига нисбатан контекстуал синоним бўлиб келади[59.59-64].

Синонимия муносабатини белгилашда тил тараккиётининг муайян бир босқичи назарда тутилади ва луғавий бирликларнинг худди шу даврдаги ўзаро маъно муносабатидан келиб чиқиб мулоҳаза юритилади.

Синонимия – тилнинг бой эканини, тараккиёт даражасини кўрсатиб турувчи ходисалардан бири. Синонимия сабабли нозик маъно кирралари англатилади, ранг-баранг услубий баҳолар ифодаланади. Синонимлардан бирини танлаб ишлатиш орқали воқеликнинг бир кирраси бўрттирилади.

Аслида синонимия воқе бўлиши учун луғавий бирликларнинг ўзаро маълум тенгликка, бир хилликкагина эмас, балки айрим алоҳида хусусиятларга ҳам эга бўлиши лозим. Лексема ёки фраземани танлаб ишлатишда ҳар гал ана шу айрим хусусиятлар билан ҳисоблашишга тўғри келади. Ўз фикрини англатишда, ўз муносабатини ифодалашда ягона ўринли лексема ёки фраземани синонимия қаторидан танлаб ола билиш керак.

Синонимлардан яна матнни ихчам, раvon тузишда, шунингдек, талаффузни қулайлаштиришда ҳам унумли фойдаланилади.

Синонимия ва семантик компонент (сема). Полисемантик бирликлар семемаларини ўзаро ажратишда семантик компонентларга (семаларга) асосланиш қандай ижобий натижага олиб келса, асли синонимлар “маъноси бир хил” айна бир маъноли, маъно ўзани тенг, маъно кирраси фарқли каби ноаниқ ифодалар ёрдамида таърифлаб келинади. Синонимия белгилашда семик таҳлил методикасига суяниш бу ходисани аниқроқ таърифлаш имконини беради.

Икки ва ундан ортиқ луғавий бирликни ўзаро синоним дейиш учун дастлабки шарт - луғавий маъно асосининг тенг эканлиги, иккинчи шарт – бундай тил бирликлари ўзаро маълум жиҳатдан фарқли бўлиши. Семик таҳлил жиҳатидан ёндашилиб, синоним бўлиш учун бу тил бирликларнинг

айни бир идеографик семалар йиғилишдан иборт бўлишни таъкидлаймиз. Бу идеографик семаларнинг шу йиғимида бирор семанинг тутган мавкен, бўртиши ёки нурсизланиши, маълум бир кирраси юз беради. Идеографик синонимлар ҳақида гапирилгандаана шу тафовутлар ҳисобга олинади.

Агар идеографик сема эмас, балки услубий сема фаркланса, услубий синонимлар ҳақида сўз юритилади.

Айтилганларни ҳисобга олиб, синонимларга шундай таъриф берса бўлади: идеографик семалар йиғими тенг, айна вақтда бир ёки бир неча жиҳати (жумладан, бирор идеографик семанинг мавкеи, маъно кирраси, услубий семаси, матний хосланиш белгиси) фаркли белгили тил бирликлари синоним дейилади.

3.3 Таржимада услубий–миллий хослик ва миллий колоритни ифодалаш масалалари.

Таржимада бадий асар оҳангини бериш барча адабий жанрларда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Агар алоҳида олинган мақол ёки маталдан тортиб то сонет, ғазал, поэма, хикоя, романгача ҳамоханглик таъминланмаган бўлса, у таржима сохта жаранглайди. Оҳанг эса, ўз навбатида, бадий асарнинг бошқа компонентлари, яъни луғавий бирлик, синтаксис, инверсия, радиф, қофия, вазн ва бошқа воситалар билан боғланган ҳолда таржимага ё табиийлик, ёки аксинча, сохталик бағишлайди, яъни, сунъий контекст, ясама бадий муҳит пайдо бўлишиги олиб келади[31.55].

Услуб ҳар бир муаллифнинг ўзига хос хусусият бўлиб, ҳар бир санаткорнинг ўз услуби - ижодига хос ғоявий йўналиши, матнда кўллайдиган бадий–тасвирий воситалари, лексик–фразеологик элементлари ва бадий шаклга алоқадор ўзга хос компонентлар мавжуд бўлишини тафозо этади.

Ҳар бир муаллифнинг ўз «тили», яъни услубини кайта яратиш бадий таржиманинг муҳим шартларидан бири бўлиб таржимондан катта бадий маҳорат талаб қилади.

Услубий ранг-баранглик, шакл ва маънолар жилвакорлиги ҳар бир миллий адабиётнинг катта бойлигидир. Агар турли–туман услублар, бўёқлар бўлмаганида эди, ягона услубий ғализлик, яқранглик, сийқалик юзага келган бўлар эди. Бундай ҳолат эса фикрий тўмтоқликка, бадий кашшоқликка олиб келган бўлар эди. Шу сабабли ҳар бир миллий адабиёт кадр–киммати адабий маҳсулотининг кўплиги билан эмас, балки унинг ўзига хос ёрқин услуб намуналарини яратган ва яратаётган ижод ахлининг бунёдкорлик қуввати билан ўлчанади[29.33]. Демак, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос услубини тайин этишда унинг ижодини бошқа тарихий даврда яшаган шоир ва ёзувчиларнинг услуби билан киёслаш шарт эмас, балки бунда замондош ёзувчилар ижодини чоғишгирса ҳам бўлади.

Максуд Шайхзода яратган «Мирзо Улугбек» фожеаси билан ўзбекчага ўгирган Вильям Шекспирнинг «Ҳамлет», «Ромео ва Жульетта» трагедиялари таржималарини услубий чогиштириш натижасида адибнинг камолоти, ўзига хос лафзи, миллий характерга сайкал бериш махоратининг қарор топиш эволюциясини кузатишда катта самара бериши турган гап.

Бадий таржималарни киёсий-услубий асосда ўрганиш орқали бир канча ижобий натижаларни қўлга киритиш мумкин. Булар таржималарнинг асл нусхага мослиги (адекватлиги) даражаси ва уларнинг услубий сифатини аниқлашга ёрдам беради. Бундан ташқари, мазкур киёсий методика яна бир аспект – муайян бир асарнинг бир канча таржималари мавжуд бўлганида, ворисийлик ва гоҳо юз берадиган адабий ўғрилиқ (плагиатлик, кўчирмачилик ходисаси)ни аниқлашда ҳам қўл келади.

Таржимон ўзи ўқиётган китоб матни ичра чегараланган бўлади. Асар доирасидан ташқарига чиқа олмайди, муаллиф илгари сурган ғояни давом эттиролмайди, худди шунингдек, асарни қисқартиришга ҳам ҳадди сиғмайди. Қисқаси, таржимон мавжуд нарсани фақат бир тилдан иккинчи тилга ўгиради. Лекин таржима даргоҳи бу қадар чегараланган бўлишига қарамй, у сўз санъати жумласига қиради. Бунинг боиси шуки, таржимон тил соҳасида ижод қилади. Тилнинг асосий қурилиш материали эса сўздир. Бадий адабиёт учун гоятда муҳим бўлган кўрсаткичлар – бадийлик, образ ва образлилик, мажоз ва мажозийлик – барчаси сўз замирида яширинган, сўзда ўз ифодасини топади ва сўз орқали реаллашади. Бинобарин, сўз танлаш бадий таржима жараёнида бирламчи аҳамиятга молик ҳодисадир.

Бадий таржимада асосий гап алоҳида олинган бирон сўз ёки жумлани таржимон қандай ўгиргандагина эмас, балки, ҳар бир таржиманинг кадр – қиммати унда айрим унсурларнинг нечук берилгани билан ўлчанмайди.

Бадий таржимада баҳолаш мезони талқиндир. Уни қайта яратиш жараёни эса уч босқичда амалга ошади:

1. Асл нусха (оригинал)ни таржимон қандай қабул қилиши (тушунishi).

2. Асарнинг ғояси, муаллифнинг мақсад – муддаоси ва унинг ўзига хос услубини қандай талқин қилиши.

3. Сўз санъати намунасини ўз она тилида қайта тиклашда муқобил восита, тадбир ва тадорик топа олиши.

Бадий асарни ўгиришда асосий омил оригинал асар луғатини таржима тилининг муқобил (эквивалент) – луғати билан алмаштириш эмас, балки муаллифнинг ўзлиги, асар концепцияси, айни асарда акс этган сўздан фойдаланиш санъатини қайта ифодалай олишдан иборат[29.41].

Таржима айрим олинган ҳар бир ҳолатга қандай сўз ёки жумла жоизлигини «луғавий эквивалентлик» эмас, табиий мувофиқлик, яъни тасвирланаётган характернинг «мижози» ги маъно, услуб, оханг томонидан контекстуал мослик масалас ҳал қилади. Сўзни – сўз билан ўгиришга одатланган таржимон муқаррар панд ейди. Бадий таржиманинг илмий тавсифлаш энг кийин бўлган хоссаси шундаки, бунда сўзни сўз билан эмас, балки маънони маъно, охангни оханг, образни образ, юморни юмор билан бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбек таржимачилиги амалиётида қўлланилаётган воситали тил орқали ўгириш тажрибаси, уларга муносабат, бундай таржималар методикаси масаласига алоҳида тўхташга тўғри келади. Маълумки, ғарб адабиёти, жумладан, инглиз, немис, француз, испан, итальян ва бошқа адабиётлар асарлари бевосита ўша тилларнинг ўзларидан эмас, балки русчадан таржима қилиниб келаяпти. Бу адабиётлардан ўзбек тилига анча қўп асарлар ўгирилган.

Воситали таржималарнинг хусусиятларини ўрганиш, шу тарика мазкур таржима усулига муносабат билдириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Воситали таржимага муносабат билдириш ҳозиргача

ғарбий Европа адабиётларидан ўзбек тилига қилинган воситали таржималар тарихига баҳо бериш ҳамда бу соҳада истикболда қилинадиган ишларнинг мундарижасини белгилаб олиш, бу борада тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш бугунги таржимонлар ва таржимачилик ишини назорат филиб, мувофиқлаштириш билан шуғулланадиган ташкилотлар олдида турган энг долзарб масалалардандир.

Ғарбий Европа адабиётидан ўзбек тилига қилинган воситали таржималарни умумий адабий – тарихий планда ўрганиш йўли билан таржималарнинг сифатига таъсир қилиб бўлмайди. Тор лингвистик аспектда қилинадиган ишлар эса кўпроқ грамматик категория ва тушунчаларни киёслашдан иборат бўлиб қоладики, бу йўл билан бунёд қилинган тадқиқотларнинг ҳам самараси сезилмайди. Шунинг учун бу тахлит таржималарни тадқиқ этишда қуйидаги омилларни ҳисобга олишга тўғри келади.

Биринчидан, хорижий адабиётлардан ўзбек тилига ва ўзбек адабиётидан хорижий тилларга қилинган таржималар икки томонлама адабий алоқаларни реаллаштирувчи кудратли восита сифатида ана шу алоқаларнинг ажралмас таркибий қисми деб қаралмоғи лозим.

Иккинчидан, хорижий – ўзбек адабий алоқаларни ўзаро маданий айрибошлаш – бадий таржималар асосида ўрганишда масалани бир томонлама, тор йуналишда олиб текширмасдан, балки бу жабҳада бошқа қардош республикаларда ҳам эришилган ютуқларни кузатиш зарур. Бу эса тадқиқотларнинг адабий – киёсий план асосига кўрилишини такозо этади.

Учинчидан, бадий таржима масалаларини, жумладан, воситачи тил орқали қилинган таржималарни бир ёклама, «соф» адабиётшунослик ёхуд «соф» тилшунослик асосида ўрганиш ҳар доим ҳам қутилган натижани беравермайди. Аксарият ҳолларда бадий таржима назарияси бўйича лисоний аспектда қилинадиган ишлар бадий ижод хусусиятларини, бадий матн спецификаси ва қонуниятларни ҳисобга олмай иложи йўқ; аксинча, адабиётшунослик йўриғида бажариладиган ишлар эса, муқаррар

суратда, камида икки тил ҳам икки лисоний анъана хусусиятларини ҳисобга олган бўлиши керак. Зотан, таржима ислоҳининг замирида «икки тил», тилдан тилга ўгириш тушунчалари ётади.

Тўртинчидан, ҳар қандай таржимани, хусусан, бадий таржималарни тадқиқ қилишнинг энг тўғри, қулай ва самарали назарий замини – киёсий стилистика. Бунда икки тил воситалари, икки адабий – тарихий тажрибани киёсий стилистик типология асосида тадқиқ этишдир.

Бадий таржимага ҳалқлар ўртасидаги адабий алоқаларнинг боғловчи ҳалқаси сифатида қараган ҳолда, уни киёсий – услубий – типлогик планда ўрганиш бир ёкламаликдан қочишга, бадий таржиманинг адабий эстетик ва тил масалаларини қўшиб, яхлит, мунтазам тахлил қилишга имкон туғдиради.

Таржима учун сўзларнинг асосий луғавий мазмуни-ю, тилнинг грамматик қоидаларини билишнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун ҳарбир инсонда “тил туйғуси” бўлиши ва тилни тўғри ҳис эта билиши лозим. Тилнинг ана шундай «ҳиссий» томонларидан бири муайян асарда автор тилнинг қайси қатламларидан, қандай, не йўсинда фойдаланганидагина ўз ифодасини топади. Бу эса услуб билан боғлиқ ҳодисадир. Албатта, ҳар бир конкрет асар, конкрет жанрга мансуб ишлар таржимасида биринчи ўринга чиқадиган талаблар бўлади. Олайлик И.А.Крилов масалалари таржимасида бу миллийликни бериш билан Муҳаммадшариф Гулханийнинг «Зарбулмасал»и таржимасидаги миллийликни бериш ҳодисасини бир мезон ва бир хил назар билан таққослаб бўлмайди. Таржимларда қўлланилган фразеология, идиоматика, комедия таржимасида юзага чиқадиган ҳажвия ва юмор, лирика ва ҳалқ қўшиқларида акс этган туйғу, шартли символика ва ҳақозо элементлар тадқиқотчидан алоҳида қобилият талаб этади.

Ҳатто бир тил тараққиётининг турли босқичларида ҳам муайян бир хил сўз таркибли грамматик воситалар орқали ифодаланган услубий маъноларда ҳам турли фарқлар, силжишлар, торайиш ва кенгайишлар

содир бўлади. Кенг маънода айтганда, тиллараро таржима ҳам конкрет лисоний воситаларнинг услубий коэффиценти бир хил кимматга эга эмас. Муаллиф услубини акс эттириш бадий таржиманинг барча аспекти учун умумий ва зарурий шарт ҳисобланади.

Бадий таржимани киёсий услубшунослик асосида ўрганиш проблемасини йирик рус таржимашунос олими проф. А.В.Фёдоров ўзбек олими Ғайбулла Саломов каби мутахассислар илмий асослаб бердилар[28.,31.].

Таржима бўлиш назариясининг асосий тезисларидан бири шуки, бирон тилда шундай бир нарса йўқки, уни акс эттирадиган бошқа лисоний категория, ё услубий қатлам, ё мантикий тушунча, ё лексик восита бўлмасин. Аммо бу ҳол бир тилдаги ўша лингвистик ўзига хослик ёхуд афзаллик воситасида ифодаланган фикрни бошқа тилларга, бошқа фонетик, морфологик, синтактик ёки лексик-услубий воситалар билан умуман бериб бўлмаслигини англамайди.

Ҳар бир тил унинг ўзигагина хос бўлган бадий фоситаларига эга. Таржимада бу хусусиятларни тўғри акс эттириш, баъзан айни таржиманинг умумий бадий – эстетик кимматини белгилашда муҳим омиллардан бирига айланади.

Бадий асар ҳар хил услубда турлича маромда: мунгли ёки қувнок, кўтаринки ёки текис, бир маромда, жарангдор ёки сидирға, мусикий ёки вазмин усулда ёзилган бўлиши мумкин. Бунда кўп нарса китобда тасвирланаётган давр, танланган мавзу, воқеларнинг характериға боғлиқ. Агар таржима қилиш учун танланган асарнинг бундай белгилари аниқланган бўлмаса, унинг руҳига мос калит топиб бўлмайди, натижада гарчанд китоб бошқа, тилға кўчирилса-да, у янги китобхонга ўз «тилсимоти»ни очмайди. Шу тарика таржима қилишдан кузатиш мақсад руёбга чикмайди.

Турли ёзувчилар услубнинг бир-бирдан фарқланиши, ҳар бир ёзувчи бошқаларникидан ажралиб турадиган ўз индивидуал услубига

эгаллиги, бир ёзувчининг ижодида турли услуб йўналишлари намоён бўлиши, улар ўзларининг ҳар хил асарларини бир-бирдан хийла жиддий фарқ қиладиган услубда ёзиши – буларнинг барчаси таржимондан асл нусхаға мос услуб калити топишни талаб этади. Таржимада мувофик услуб калитни топиш асарнинг ёзилиши стили билан ғояси ҳамда муаллиф дунёқараши ўртасидаги боғланишни тўғри белгилаш, маром, оханг, синтактик тарз ва образлар силсиласига хос хусусиятларни тўғри тайин қила билишға боғлиқ. Бирон асарни таржима қилишда макбул услуб калити топилмас экан, таржиам асл нусхаға эквивалентлик ҳолатида бўла олмайди.

Ҳалқларнинг не тахлит иктисодий, ижтимоий – сиёсий шароитда яшаётганлиги, тарихий – этнографик такомили, маданиятининг қандай анъаналар асосида ривожланганлиги – булар барчаси таржимада жуда катта роль ўйнайди.

Ҳар бир миллатга хос нозик психик симптомлар санъат асарида жуда зийраклик билан илғаб олинади, адиб улардан ўзи тасвирлаётган воқеанинг туб социал моҳиятини ифодалашда, тип яратишда, ёркин индивидуал характер барпо этишда усталик билан фойдаланади. Бу сингари майда-чуйдаларни таржимон эътиборсиз колдириши мумкин эмас. Кимки асарни айнан ўзидай соф ҳолда кўришни истаса, таниқли рус олими Лев Гинзбург таъкидлаганидек, унинг аслиға мурожат қилсин.

Таржиманинг асл нусхасига нисбатан аниқлигини белгиловчи универсал критерии, ҳамма ҳолларға баравар мувофик келадиган мезон йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Аниқлик таржима қилинаётган асар таржимани яратишдан кўзланган мақсадға қараб ўзгарадиган, нометафизик, адабий – тарихий, диалектик тушунчадир. Айтайлик, сўз ўйинини акс эттириш зарурати кўндаланг турган бир вазиятда асл нусха сўзларнинг айни ўзини саклашни талаб қилиб бўлмайди; юмор, киноя, пичинг, қочирим, муболага ва ҳоказоларни ҳам оригинал матниға, унинг материаллиға маҳкам ёпишган ҳолда акс эттириш амри маҳол. Чунки асар

адабиётнинг қайси жанри, турида яратилганига қараб, аниқликни ҳар хил йўсинда талаб қилишга тўғри келади.

Бадий таржиманинг асосий ҳислатларидан бири образлилик экан, бунда сўзни-сўз билан жумлани-жумла билан эмас, балки образни – образ билан акс эттириш таржимон олдида кўндаланг бўладиган муаммо ҳисобланади. Муайян образга тимсол бўладиган объект эса халқнинг моддий турмуш тарзига, ҳўжалигига хос нарсалардан, тушунчалардан олинади. Ўзбекларда ва русларда бўри (волк) вахшийлик тимсоли, қўй (овечка) маъсумлик, ожизлик тимсоли деб тушунилар экан, қўй терисини ёпинган бўри (a wolf in a sheep's skin, волк в овечьей шкуре) «доғули», «фирибгар», «муттахам» маъноларида фразеологизм сифатида бир-бирига тўла эквивалент бўла олади.

Ҳар бир асарни таржима қилишга ё бўлмаса, ўгирилган китоб тахлиliga киришишдан олдин шу ижод намунасини яратган санъаткорнинг ўзига хос услуби, образлар олами, кискаси, унинг «куёши не тахлит порлаши – how his sun shines»ни билмок керак. Бу иш ҳар қандай каламқашнинг ҳам қўлидан келавермайди ва буни ҳар қандай тадқиқотчи ҳам тушунавермайди.

Насрий таржиманинг ўз кийинчиликлари бор. Бунда сўзлар маъно тарафидан ва услубий жиҳатдан бир-бирига мос тушиши, бир-бирининг ўрнини «қоплаш»и зарур, муқобил иборалар топиш, ўзгача синтактик қурилмалар тузиш, оханг, ритм муаммоларини ечишга тўғри келади. Насрий асарда сўз, нафосат ва гўзалликни тасвирлаш, санъат намунаси яратишнинг асосий воситаси, муҳим элементи ҳисобланади.

Асарни бошқа тилда қайта тиклаш шакл ва мазмун бирлигини сақлаш йўли билан амалга оширилар экан, таржима қилиш умуман ғайри имконий бир уринишдай туюлади, чунки асл нусхада яратилган асарда тил асосий шаклий либос, лисоний арсенал ҳисобланади. Башарти, таржима соф лингвистик ҳодиса бўлганида, бу эхтимол, ечиб бўлмас бир жумбоққа айланиб колган бўларди. Аслида эса мантиқий чигаллик бўлиб кўринган бу

муаммони хал қилишнинг иложи бор, чунки таржима ижоддир. Зотан, унда шакл билан мазмун алоҳида эмас, балки яхлит ҳолда қайта тикланади. Таржимон асл нусхага монанд бир тахлитда шакл билан мазмун бирлигини қайта яратмоғи даркор.

Колорит (ранг, бўёк) асарнинг ғоявий мазмуни билан боғлиқ бўлиб, санъаткор ифодамоқчи бўлган ғоя ва бадий образни яққол кўрсатишга хизмат қилади. Ўй, ният, ғоя, муддаони ифодалашда, образни гавдалантиришда тасвирий бўёкларга алоҳида эътибор берадиган санъаткор колорист – рассом деб ҳам аталади.

Бадий адабиётнинг асосий материали сўз экан, демак, бадий таржимада ҳам фақат лисоний ашёлар – сўзлар билан боғлиқ колорит ўрнатилмоғи керак. Сўз, мусика, ҳаракат ва ранг уйғунлиги Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» достони хорижий мавзуда ёзилган бўлиб, хинд мифологияси материалига асосланган. Асар бошдан – охиригача лирик кайифят, нафис туйғулар ва кечинмалар билан суғорилган. Бу дostonни бадий асар сифатида, сўзнинг сеҳрли кучи орқали идрок этамиз. Мазкур асар асосида сахналаштирилган балетда эса лисоний омил – сўз жанр такозосига кўра тушиб қолиб, муаллифнинг чуқур, саодатли ғояси ўзга ифода воситалари – ҳаракат, мусика кўриниши ва эшитиш билан боғлиқ образ орқали реаллашган. Бунда хинд колорити асар ғояси, муаллифнинг ўй-муддаосини сўздан «ташқарида» зохир этилган воситалар орқали руёбга чиққан.

Умуман, ранг туйғуси аксарият сўз билан «тушунтириб» бўлмайдиган сеҳрли, мўъжазалар туйғудир. Ҳамонки, колорит тушунчасининг замирида ранг ётар экан, махсус «ранг колорити» ҳақида ҳам гапириш ўринли туюлади.

Ранг туйғуси фақат санъат, адабиёт ва музика жанрларнигина эмас, балки шу соҳада хизмат қилаётган арбобларни ҳам бирлаштирувчи омиллардан саналади. Масалан, муаллиф билан таржимон иттифоқини олайлик.

Ҳар бир асарнинг миллий спецификаси, унинг ўзига хослигини таржимада бериш ҳақида гап борганда, ўша асарни акс этган кийим – кечаклар, овқат ва ичимликлар, ё бўлмаса турли ирим-сиримларнинг номини санаш ёки уларни алоҳида олган ҳолда лингвистик – структурали таҳлилдан ўтказиш билан иш битмайди. Бунда асосий эътибор муайён тарихий, жўғрофий, ономастик ва хоқозо тушунча ҳамда қарашлар билан боғлиқ ашё ёки удумлар бадий асарнинг руҳига қанчалик сингдирилганлиги, улар асарда, ёинки ёзувчининг индивидуал услуби ва маҳоратида қандай аҳамиятга молик эканлигини аниқлашга қаратилмоғи даркор.

Таржимон олдида кўндаланг бўлиб турадиган илк муаммолардан бири: асарда акс этган тарихий ва миллий хосликлардан қай бирини сақлаш, не йўсинда акс эттириш керак?, деган масалалардир. Таржиманинг асосий ақидасидан келиб чиқамиз: асарни ўгириш – бу уни бошқа тилда шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда ифодалаш демакдир. Бирок тилнинг ўзи миллатнинг муомала муносабатида ўзига хос воситалар системаси эканлигини таъкидлаш лозимдир. Таржимада ўзига хосликнинг бу тарифи муқаррар равишда йўқолади, деган сўз. Сервантеснинг «Дон Кихот» романи ўз даврида муътадил бир тилда, ўз замонасида китобхонга тарихий ва миллий жиҳатдан қандайдир архаик маънодор бўлмаган, ўз даврининг адабий тилида яратилган эди. Бинобарин, уни, асосан, худди шундай бўялмаган соф тил билан таржима қилиш мантикий тўғри бўлади, деб ҳисоблайди таржимашунос Иржи Левий.

Кўпчилик халқларнинг тилларида кўлга киритилган таржимачилик амалиётининг самаралари ҳамда муайянлаша бошлаган таржима принциплари шундан далолат берадики, таржима мўлжаллаётган халқ тили учун янги тушунча бўладиган айрим чет сўзларни ўгирмасдан, айнан ўзини сақлаш айна муддаодир. Бирок зарур бўлмаган ҳолда, бемақсад, фақат колорит ёки ишора учун хорижий сўзларни таржимага оқизмай-томизмай ўтказавериш таржималарнинг мақсадига, китобхон манфати ва тилнинг

софлигига ҳам хилоф иш қилиш бўлур эди. Бинобарин, асл нусхадаги тарихий ва миллий ўзига хосликнинг барча унсурларини сақлаб бўлмайди, лекин улар орасидан шундайларни ушлаб қолмоқ керакки, натижада ўқувчида тарихий ва миллий муҳит тасаввурни пайдо бўлсин.

Таржимада асл нусханнинг бутун борлиги, уни санъат асари сифатида характерлайдиган барча асосий белгилар – муаллифни бошқа адиблардан яққол ажратиб турадиган ўзига хос овози, услуби, «қаламининг изи» акс этмоғи даркор.

А.П.Чеховнинг «Ғилоф бандаси» ҳикоясида – соябон, «Ёвуз ниятли киши»да – гайка, «Ҳамелеон»да – ит, «семиз ва орик»да – гилос; Абдулла Қаххорнинг «Адабиёт муаллими»да – «пук-кам-пир...», «Анор» да – кели, «Ўғри»да – хўкиз, «Ўтмишдан эртақлар» қиссасида – ўқталган милтик ва бошқа элементларни мисол тариқасида эслаш мумкин. Ёзувчининг асарида ҳар бир сўз «отар» экан, демак, мутлақо ҳар бир калимани таржима қилиш лозим, акс ҳолда таржима «отмайди». Шу билан бирга, вақти келганда, сўзни, жумлани, гапни «қурбон» қилмай, қўшмасдан, ўзгартирмасдан таржима қилиб ҳам бўлмайди. Демак, таржимон кимда, қаерда, қачон, нимани оқизмай-томизмай сақлаш керак-у, қаерда, нимани қурбон бериш, ўзгартиришни билиши керак.

Таржиманинг асл нусхага муқобиллиги даражаси ҳақидаги назария бешта мазмуний даражаларнинг эквивалентлигини фарқлашни такозо этади. 1) тил белгилари даражасида; 2) баён қилиш даражасида; 3) ахборот етказиш даражасида; 4) вазият ва ҳолат тасвири даражасида; 5) алоқа мақсади даражасида.

Таржима жараёнида асл нусха билан ўгирилган нусха ўртасида қайд этилган даражаларда муқобиллик муносабатлари ўрнатилади. Асл нусха билан таржима бирликлари барча беш даражасида ёки фақат айримларида тенг келиши мумкин. Таржимадан кўзланган асосий мақсад барча даражаларда иложи борица кўпроқ муқобилликка эришишдан иборат.

Тилларда туғилиш – ўлиш, иссик - совуқ, катта - кичик, паст – баланд, коронгу - ёруғ, оқ – қора, очиш – ёпиш ва бошқа жуда кўп мантикий тушунчалар асосида тузилган антонимик сўз ва иборалар семантикасида хайрон коларли даражасида умумийлик, уйғунлик ва ўхшашлик бор. Дунё тилларида ана шу тушунчалар асосида таркиб топган ёки уларни акс эттирувчи сўз ва ибораларнинг киёсий – типологик лугатини тузиш ва бу ажойиб тил ҳодисасини чоғиштирама грамматика асосида илмий ўрганиш гоят катта истиқболга эга эканини доим ёдда тутмоқ лозим.

Сўзларнинг бирикишида семантик (маъновий) уйғунлик ва мантик мувофиқлигига риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Баъзан киши ўз фикрини ифодаляётганида муайян бирикма учун қандай сўзни танланганлиги унинг айнаи ҳодиса ёки тушунчага нисбатан муносабати қандай эканлигини ёки мафкурасини кўрсатади.

Идиомани ёхуд мураккаб таркибли фраземаларни таърифлаш эса янада кийинроқ туюлади. Буни мазкур тил ҳодисасига берилган таърифларнинг хилма-хиллигидан ҳам билса бўлади. Шундай таърифлардан бир нечтасини келтирамиз:

- 1) «Идиома... маълум бир тилга хос, ўша тилда ўзлашиб кетган ва бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайдиган матн оборотдир».
- 2) Маъноси айнаи ибора таркибидаги сўзларнинг мазмунидан келиб чиқмайдиган иборага идиоматик ибора дейилади.
- 3) Маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи, ихчам ибора.

Идиомашунос олим А.Я Рожанский бундай ибораларнинг уч асосий белгисини ажратиб кўрсатади:

- а) бирикманинг барқарорлиги (турғунлиги),
- б) бирикманинг маъжозий маъно бериши, в) бирикманинг семантик бутунлиги.

Фразеологизмларнинг маъноси контекст ичида очилади. Бинобарин, муайян иборанинг маъносини очиш учун уни контекст ичида олиб қараш лозим. Тўғри, икки ёки бир нечта тилда ҳам шаклан, ҳам мазмунан, ҳам маъновий тарафдан айнан мувофиқ келадиган мутлақ эквивалентлар ҳам топилади.

Масалан, «цыплят по осени считают» – жўжани кўзда санайдилар; «покорную голову меч не счеет» – эгилган бошини қилич кесмайди; «куй железо пока горячо – темирни кизигида бос» ёхуд инглиз тилидаги *to laugh on the wrong side of the mouth* – қуладиганаҳволда бўлмаслик, *to feel out of sorts* – ёмон кайфиятда бўлмоқ, кабилар. Бироқ бундай мутлақ эквивалентлар сони кам. Аксарият ҳолларда таржимон ҳар бир идиомага, асарда тасвирланаётган воқелар мазмуни, объект, миллий муҳит ва услуб хусусиятига кўра, ўз тилидан муқобил ёки монанд бирикмалар топиб кўяди ёки уларни сўзма-сўз таржима қилади. Шунга кўра, айнаи бир хил идиомани баъзи ўринларда, маънога қараб, ҳар хил ўгириш мумкин. Бинобарин, ҳар қандай ҳоллар учун баб-баравар мувофиқ келадиган тайёр рецепт бериш амри маҳол.

Турли тилларда айнаи бир хил маънони ифодаловчи идиомалар айнан бир хил асосга айнаи бир нарсанинг бир қанча жиҳатларига (ёки хоссаларига) ё бўлмаса, тамомила бошқа объектларга таянган ҳолда яратилган бўлиши мумкин.

Идиоматик иборалар таржимасиди бирикмалар таркибидаги объектлар (таянч нукталар) айрибошловчи масаласига бефарқ қараб бўлмайди. Таржимада мумкин қадар бирикманинг аниқроқ, асл нусха маъносига яқинроқ, контекстга мувофиқроқ вариантни қидириб топишга ҳаракат қилиш лозим. Мабодо фикр ғализ чиқмайдиган бўлса, сўзма-сўз ўгиришга ҳам журъат қилиш мумкин.

Кенг маънода фразеологизмларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда ҳар қандай ҳолларда ҳам уларнинг образли тасвирий (таянч) асослари айнан мувофиқ келадиган вариантлар билангина ўгириш

маънонинг ўзгаришига, маъновий силжиш ҳодисаси содир бўлишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, бундай бирикмаларни муқаррар равишда асар таржима қилинаётган тилдаги бошқа узоқ муқобил вариантлар билан алмаштиришга ортикча ружу қилиш ҳам услубни сийқалаштиришга, таржима тилининг лексик-фразеологик ва образли-услубий жиҳатдан камбағаллашига олиб келади.

Муайян бир тилдан (айтайлик, юнонча тилдан) бошқа бир тилга (олайлик, рус тилига) сўзма-сўз таржима йўли билан қабул қилинган идиомаларни яна бўлак, учинчи тилга (масалан, ўзбек тилига) ҳам айнан шундай сўзма-сўз таржима принципи асосида ўгириш шарт эмас. Муайян икки тил ўртасидаги таржимага асос бўлган принцип ҳамма ҳолларда ҳам учинчи, тўртинчи ва ҳоказо тилларга ўгириш ишига муқаррар дастур бўла олмайди.

Фразеологизмлар (идиомалар) таржимасида уч тамойил (принцип) ҳукм суради: 1) асл нусхадаги фразеологизмга таржима тилидан тенг қийматли эквивалент қидириб топиш. 2) асар ўгирилатган тилдан муонанд муқобил топиб қўйиш, 3) фразеологизмни айнан, сўзма-сўз таржима қилиш. Ҳар уччала ҳол ҳам учрамаган тақдирда таржимон уларнинг умумий маъноси қисқаси билан кифояланишга мажбур бўлади.

Таржима давр руҳи, давр нафаси, даврнинг адабий тушунчаси билан боғлиқ етакчи омилларни ақс эттириш жиддий, мураккаб комплекс масаладир. У шунинг учун ҳам комплекс характерга эгаки, бу ерда масалани фақат бир давр, муайян бир ёзувчининг ижодидан қилинган таржималар, бир таржимон қўллаган таржиба ва ниҳоят, алоҳида олинган бир адабий жанр доирасида қилинган таржималар билан чегараланган ҳолда таҳлил этиб бўлмайди. Тўғрироғи, бундай чегараланган тадқиқот билан таржима масаласини таҳлил этиб бўлмайди. Тўғрироғи, бундай чегараланган тадқиқот проблеманинг бир томонини, бир қиррасини ёритишга хизмат қилса-да, лекин унинг бутун борлиғи, мураккаблиги,

хусусиятлари, шарт-шароити ва талабларини очиб беролмайди. Гап шундаки, муайян бир бир асар таржимасига нисбатан қўлланаётган усул бошқасига қўл келмаслиги, маълум бир жанрда ёзилган асар таржимасига нисбатан жорий этилган услубий тадбир бошқасига мувофиқ тушмаслиги мумкин.

Шекспир трагедиялари таржимасида биз услубни, Шекспирнинг руҳини, у яшаган давр, муҳит, анъана ва эстетик идеалини ҳис қилиб туришимиз керак. Ғафур Ғулом ва Максуд Шайхзоданинг маҳорати шундаки, ўқувчи «Отелло», «Кирол Лир», «Ҳамлет», «Ромео ва Джульетта» трагедияларни ўқиганда буюк драматург ижодининг чуқур фалсафий моҳияти, образларининг ёркинлиги ва мазмундорлиғи, асарларнинг катта инсонпарварлик ғоясини мукамал ҳис этади.

Асар яратилган давр тилига айнан мувофиқ келадиган тил билан таржима қилишга уринишнинг самарасиз эканлиги классик адабиёт асарлари таржимасида ҳозирги тилга доир лексик – фразеологик унсурлар, хос узусларни (реалийлар) ишлатишга ҳам асос бермайди. Аксинча, бундай қилиш асл нусхада тасвирланган воқеа – ҳодиса ва ўзга ҳалқнинг миллий – тарихий яшаш тарзини бизнинг кунларимизга кўчириб келишга ва шу билан бирга тарихий-эстетик ҳақиқатни бузишга сабаб бўлиши мумкин. Шу билан бирга, асл нусха ўз даврига нисбатан тарихий-фалсафий мавзуда ёзилмаган ва ўша «ибтидо»сидаёқ унинг ўзи архаик услубда барпо этилган бўлмаса, одатда таржимада ҳам архаик услуб қўлланилмайди.

Умумий хулосалар.

Тилнинг фразеологик состави кенг маънога ва стилистик бўёқларга эга. Фразеология кўпинча лексикологиянинг бир бўлими сифатида қаралади. Чунки фразеологизмлар тилдаги сўзларнинг эквивалентлари ҳисобланиб, лексикология эса тилнинг луғат составини ташкил этувчи сўзлар ва уларнинг эквивалентларини ўрганувчи фан ҳисобланади. Баъзан фразеология лексика ёки стилистикага киритилади. Фразеологизмлар билан сўзларни бутунлай эквивалент сифатида қараш ярамайди. Фразеологизмлар ҳамда сўзларнинг структураси ва маъноларида жуда кўп фарқланиш аломатлари мавжуд бўлиб, уларнинг морфологик ва синтактик функциялари ҳам турличадир. Таркибига кўра сўзлар яхлит бирикма шаклида ҳосил бўлади. Фразеологизмларнинг ҳар икки семантик тури (фразеологик бутунлик ва фразеологик чатишма) ҳам ўз компонентларининг маъно жиҳатидан уланиб кетиши, лексик составнинг кўпгина ўринларда морфологик ва синтактик жиҳатидан бирикишининг турғунлиги билан изоҳланади. Сўз бирикмалари ва гапларнинг компонентлари эса семантик жиҳатдан боғланишда анча эркинликка эга.

Шу туфайли фразеологизмлар турғун бирикмалар деб, сўз бирикмалари ва гаплар эса таркибига кўра эркин сўз бирикмалари деб юритилади.

Фразеологизмларнинг семантик хусусиятларини ўрганиш орқали уларда фразеологик полисемия, фразеологик синонимия ва паронимия ҳодисалари борлиги аниқланган. Фразеологизмларнинг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари уларда грамматик (морфологик, синтактик) ва лексик-семантик воситалар кенг қўлланилишини кўрсатади. Фразеологизмларнинг вариантланиши уларнинг компонентлари алмаштириши (субституция қилиши), қўшилиши, тушириб қолдирилиши ва трансформация қилинишига боғлиқ.

Грамматик (морфологик) структурасига кўра феълли, отли, равишли, ундовли ва ҳоказо фразеологизмлар фарқланади.

Одам номлари билан боғлиқ, яъни, ономастик компонентли фразеологик бирликлар гуруҳини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу гуруҳ ичида қуйидагича учта бўлимни ажратиш мумкин.

1) фамилиялар билан боғлиқ бўлган ономастик фразеологик бирликлар,

2) исмлар билан боғлиқ бўлган ономастик компонентли фразеологик бирликлар,

3) исм ва фамилиялар билан боғлиқ бўлган ономастик компонентли фразеологик бирликлар.

Ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг асосий қисми маъно жиҳатидан инсонга қаратилган бўлиб, улар кишининг бирор жисмоний, рухий, ахлоқий, интеллектуал хусусиятини, хатти-ҳаракатини баҳолайди. Инглиз тилидаги ономастик компонентли фразеологик турғун бирикмалар инглиз халқининг маънавий, миллий маданияти, урф – одати, касби, яшаш шароити, интилиши, воқеликка муносабати билан узвий боғлиқдир. Улар образлилик, экспрессивликни вужудга келтирувчи муҳим воситалар бўлиб, бадний-публистик матнларнинг ифодавий таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Улар ихчам, маъно жиҳатидан садмокдор, фикрни асосли, образли ва таъсирчан шаклда ифодалашга ёрдам беради.

Келиб чиқишига кўра ономастик компонентли фразеологик бирикмаларни икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин.

1) соф инглиз тилига хос ономастик компонентли фразеологик бирликлар,

2) бошқа тиллардан кириб келган ОКФТБлар

Ўз навбатида соф инглиз тилига хос ОКФТБлар қуйидагича гуруҳланади.

• Библиеизмлар,

• Шекспиризмлар,

• Антик мифология билан боғлиқ ономастик компонентли фразеологик бирликлар,

• Эртақ кахрамонлари номлари билан боғлиқ бўлган ономастик компонентли фразеологик бирликлар,

• Тарихий шахслар номлари билан боғлиқ бўлган ономастик компонентли фразеологик бирликлар,

• Адабий манбалардан олинган (асар персонажлари номи билан боғлиқ)

ономастик компонентли фразеологик бирликлар.

• Инглиз халқининг урф-одатлари билан боғлиқ бўлган бирикмалар.

• Инглиз реалиялари билан боғлиқ бўлган бирикмалар.

Чет тиллардан кириб келаган ономастик компонентли фразеологик турғун бирликларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин.

1) мифология билан боғлиқ бўлган ономастик компонентли фразеологик бирликлар,

2) француз тилидан кириб келган ономастик компонентли фразеологик бирикмалар.

3) Немис тилидан кириб келган ономастик компонентли фразеологик бирикм ономастик компонентли фразеологик бирикмалар.

Ономастик компонентли фразеологик бирикмалар матнни жонлантириш, жозибador ва образли қилиш, фикрни тайёр матн қолиплари, формулалари билан ифодалаш, уни мазмундор қилиш мақсадида ишлатилади. Инглиз тилидаги ономастик компонентли фразеологик бирикмалар инглиз халқининг миллий ўзига хослигини ифодалайди. Уларни таржимада акс эттиришнинг мураккаблиги шундаки, уларнинг яққол ажралиб турувчи миллий характерга эга эканлигидадир. Бундан ташқари ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг лексик, семантик – стилистик ва композицион нуқтаи назардан мураккаб табиати таржимон учун қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Таржимада оригиналдаги фразеологик составни сақлаб қолиш асарнинг образли-эмоционал хусусиятларини қайта яратишнинг муҳим шартидир.

Инглизча ономастик компонентли фразеологик бирликларни ўзбек тилига таржима қилишда миллий ўзига хосликнинг барча элементларини сақлаб бўлмайди, лекин улар орасидан шундайларини ушлаб қолиш

керакки, натижада ўқувчида ўша халқ хақида миллий муҳит тасаввури хосил бўлсин.

Таржимада бадий асар оҳангини бериш барча адабий жанрларда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Агар алоҳида олинган мақол ёки маталдан тортиб то сонет, ғазал, поэма, хикоя, романгача ҳамоҳанглик таъминланмаган бўлса, у таржима сохта жаранглайди. Оҳанг эса, ўз навбатида, бадий асарнинг бошқа компонентлари, яъни луғавий бирлик, синтаксис, инверсия, радиф, қофия, вазн ва бошқа воситалар билан боғланган ҳолда таржимага ё табийлик, ёки аксинча, сохталик бағишлайди, яъни, сунъий контекст, ясама бадий муҳит пайдо бўлишиги олиб келади.

Услуб ҳар бир муаллифнинг ўзига хос хусусият бўлиб, ҳар бир санаткорнинг ўз услуби - ижодига хос ғоявий йўналиши, матнда қўллайдиган бадий-тасвирий воситалари, лексик-фразеологик элементлари ва бадий шаклга алоқадор ўзга хос компонентлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Ҳар бир муаллифнинг ўз «тили», яъни услубини қайта яратиш бадий таржиманинг муҳим шартларидан бири бўлиб таржимондан катта бадий маҳорат талаб қилади.

Услубий ранг-баранглик, шакл ва маънолар жилвакорлиги ҳар бир миллий адабиётнинг катта бойлигидир. Агар турли-туман услублар, бўёқлар бўлмаганида эди, ягона услубий ғализлик, яқранглик, сийқалик юзага келган бўлар эди. Бундай ҳолат эса фикрий гўмтоқликка, бадий кашшоқликка олиб келган бўлар эди. Шу сабабли ҳар бир миллий адабиёт кадр-киммати адабий маҳсулотининг қўплиги билан эмас, балки унинг ўзига хос ёрқин услуб намуналарини яратган ва яратаётган ижод аҳлининг бунёдкорлик қуввати билан ўлчанади. Демак, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос услубини тайин этишда унинг ижодини бошқа тарихий даврда яшаган шоир ва ёзувчиларнинг услуби билан киёслаш шарт эмас, балки бунда замондош ёзувчилар ижодини чоғиштира ҳам бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.
3. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси 1999 й.
6. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир. Т., “Ўзбекистон”, 2013.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Чет тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида”. 2012 й. 10 декабрь. “Халқ сўзи” газетаси. 2012 й. 11 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни
9. “Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури”
10. Давлат тили ҳақида қонун. Т., 1989й.
11. “Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Т., “Халқ сўзи” 2002 йил 4-март.
12. “Баркамол авлод йили” давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 28 январь, №19 (4934).
13. Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. Тошкент, Ўқитувчи, 1979.
14. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент, 1985.
15. Бобохонова Л.Т. “Инглиз тили стилистикаси”. Тошкент. Ўқитувчи, 1995.
16. Будагов Р.А. Шарҳ Балли ва унинг ишлари по общемифранцузскому языкознанию. М., 1962.
17. Вейнрейх У. Опыт семантической теории. -В кн. Новое в зарубежной лингвистике, вып. X, М., 1981, 152- 176 стр.
18. Кудратов Т. Нафасов Т. Лингвистик таҳлил. Тошкент, Ўқитувчи, 1984.
19. Кудратов Т. Нафасов Т. Лингвистик таҳлил. Тошкент, Ўқитувчи, 1984.
20. Кунин А.В. Английская фразеология. Москва, Высшая школа, 1970.
21. Лотман Ю.М. Структура художественного текста. Москва, Искусство, 1970.
22. Маматов А.Э.. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Т. 1998.
23. Мусаев К. Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода”, Тошкент, Ўқитувчи, 1980.
24. Муҳаммеджонова Г. Ўзбек тили лексикаси таракқиётининг баъзи масалалари”. Тошкент, “Фан”, 1982.
25. Мукаррамов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент. “Фан”, 1984.
26. Набиев А. Структурно-семантическое исследование многозначных слов современного узбекского языка. АҚД. Тошкент, 1985.
27. Нерр В.Л. Функциональные стили современного английского языка. Москва. Изд. МГПИИЯ, 1981.
28. Саломов Ғайбулла. Тил ва таржима. Тошкент, 1965.
29. Шуман М. “Восточный колорит в переводах”. “Вопросы теории и практики художественного перевода”. Рига, 1968.
30. Хантемирова К.З. Воссоздание национального своеобразие оригинала в художественном переводе. Москва, 1970.
31. Федоров А.В. О художественном переводе. М., 1967.

32. Тошалиев И. Ўзбек тили стилистикаси назарий кўрсини ўрганиш бўйича методик материаллар. ТошГУ, 1988.
33. Рахматуллаев Ш.У. «Ўзбек тилининг изохли фразеологик луғати». Тошкент, Ўқитувчи, 1978.
34. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, Фан, 1981.
35. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. Тошкент, «Фан», 1983.
36. Қиличев Э. Бадий тасвирнинг лексик воситалари. Тошкент, 1982
37. Усманов С.Умумий тилшунослик Тошкент. 1972.
38. Вильям Шекспир. «Танланган асарлар III жилд» Тошкент. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
39. Anderson W.E. The written word. Some uses of English word. Oxford University Press, 1971.
40. Akhmanova O.S. Lingua-stylistics. Theory and method. Moscow, MGU, 1972.
41. Arnold I.V. The English Word. Москва. Higher school publ. house. 1973
42. Galperin I. R. Stylistics M. Higher school. 1977
43. Crystal, David. Investigating English Style. London, 1969.
44. Altenberg, Bengt. 1998. On the Phraseology of Spoken English: The Evidence of Recurrent Word-Combinations In A.P. Cowie (ed.), Phraseology. Oxford: Clarendon Press.
45. Álvarez de la Granja, María (ed.). 2008. Fixed Expressions in Cross-Linguistic Perspective. A Multilingual and Multidisciplinary Approach. Hamburg: Verlag Dr. Kovac.
46. Amosova, N.N., 1963. Osnovi angliyskoy frazeologii. Leningrad.
47. Arsentieva, E.F. 2006. Frazeologiya i frazeografija v sopostavitel'nom aspekte (na materiale angliyskogo i russkogo yazikov). Kazan".

48. Burger, Harald, Dobrovol'skij, Dmitrij, Kuhn, Peter, & Norrick, Neal. (eds.) 2007. Phraseology: An International Handbook of Contemporary Research: Vols. 1-2, Berlin: de Gruyter.
49. Cowie, A.P. 1998. Phraseology: Theory, Analysis, and Applications. Oxford: Oxford University Press.
50. Cherdantseva, T.Z. 2007. Jazik I ego obrazi: Ocherki po italyanskoy frazeologii. Moskva: URSS.
51. Everaert, Martin, Erik-Jan van der Linden, André Schenk & Rob Schreuder (eds.) 1995; Idioms: Structural and Psychological perspective. Hillsdale, NJ: Lawrence Erlbaum.
52. Gläser, Rosemarie. 1998. The Stylistic Potential of Phraselological Units in the Light of Genre Analysis In A.P. Cowie (ed.), Phraseology. Oxford: Clarendon Press.
53. Knappe, Gabriele. 2004. Idioms and Fixed Expressions in English Language Study before 1800. Peter Lang.
54. Kunin, A.V. 1967. Osnovnie ponjatija angliyskoy frazeologii kak lingvisticheskoy disciplini. In Anglo-russkiy frazeologicheskij slovar, 1233-1264. Moskva.
55. Kunin, A.V. 1970. Angliyskaya frazeologiya. Moskva.
56. Kunin, A.V. 1972. 'F'razeologija sovremennogo angliyskogo yazika. Moskva.
57. Kunin, A.V. 1996. Kurs frazeologii sovremennogo angliyskogo yazika. 2-e izd. pererab. Moskva: Visshaya Shkola.
58. Mel'čuk I.A. 1995. Phrasemes in Language and Phraseology in Linguistics. In Martin Everaert, Erik-Jan van der Linden, André Schenk & Rob Schreuder (eds.), Idioms: Structural and Psychological perspectives, 167-22.
59. W. Shekespeare "Comedies, Histories and Tragedies. The works of Shekespeare. M., 1967.
60. Mokienko, V.M. 1989. Slavjanskaya frazeologiya. Moskva: Visshaya Shkola.

61. Molotkov, A.I. 1977. Osnovi frazeologii russkogo jazika. Leningrad: Nauka.

62. Shanskiy, N.M. 1985. Frazeologiya sovremennogo russkogo yazika. Moskva: Visshaya Shkola.

63. Zhukov, V.P. Semantika frazeologicheskikh oborotov. Moskva: Prosveshenie, 1978.

Интернет сайтлари:

64. <http://www.wikipedia.com>

65. www.pedagog.uz

66. www.Ziyonet.uz

67. www.edu.uz

68. http://www.eng.fju.edu.tw/Literary_Criticism/structuralism

Лугатлар:

The Concise Oxford Dictionary of Current English. Oxford University Press, 1972.

Ўзбек тилининг қисқача фразеологик лугати

Ўзбек тилининг изоҳли лугати,

А.В.Кунин «Англо-русский фразеологический словарь»

И. Р. Гальперин «Большой англо-русский словарь»,

Longman Dictionary of English Language and Culture

Oxford Wordpower Dictionary for learners of English

**More
Books!**



yes
I want morebooks!

Buy your books fast and straightforward online - at one of world's fastest growing online book stores! Environmentally sound due to Print-on-Demand technologies.

Buy your books online at
www.morebooks.shop

Kaufen Sie Ihre Bücher schnell und unkompliziert online – auf einer der am schnellsten wachsenden Buchhandelsplattformen weltweit! Dank Print-On-Demand umwelt- und ressourcenschonend produziert.

Bücher schneller online kaufen
www.morebooks.shop



info@omniscryptum.com
www.omniscryptum.com

OMNIScriptum



ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРИКМАЛАР

Тилшуносликда “фразеология” атамаси асосида икки ва ундан ортиқ мустақил сўзларнинг маъно жиҳатидан мустаҳкам бирикиши орқали ҳосил бўлган бирикмалар (иборалар) тушунилади. Бу бирикмалар юзлаб йиллар мобайнида халқ тилида шаклланган бўлиб уларни ажратиб алоҳида олинган ҳолатдаги маъноси фразеологик бирикма ифодалаган маънога мос келмайди. Масалан, ўзбек тилидаги “тарвузи қўлтиғидан тушмоқ” ибораси фразеологик нуқтаи назардан “ҳафсаласи пир бўлмоқ” маъносини англатган ҳолда “тарвуз”, “қўлтиқ”, “тушмоқ” сўзлари алоҳида олинганда бутунлай бошқа маънони англатади. Инглиз тилидаги “вафот этмоқ”, “бандаликни бажо келтирмоқ” маъносини англатувчи “to kick the bucket” ёки рус тилидаги “таваккал қилмоқ” маъносини англатувчи “купить kota в мешке” иборалари ҳақида ҳам ана шундай фикрни билдириш мумкин. Фразеологик бирикмалар тилда кенг тарқалган бўлиб уни адабиётнинг турли жанрларида учратиш мумкин.



Бўронова Меккамтош Холиқуловна - Денов
тадбиркорлик ва педагогика институти Хорижий тил ва
адабиёти қуйи курслар кафедраси ўқитувчиси.



Globe
EDIT